

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

40-сон
(800)
2017 йил
9 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1054. «Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ–5198-сон Фармони

1055. ««Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ–3306-сон қарори

Учинчи бўлим

1056. «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 сентябрдаги 777-сон қарори

1057. «Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 сентябрдаги 778-сон қарори
1058. «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори
1059. «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори

Бешинчи бўлим

1060. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги 9, 27-ққ, 143-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 30 сентябрдан 6 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1054 Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бирок, ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди.

Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабга-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

ча ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иккинчидан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

учинчидан, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллари амалиётга татбиқ этиш;

тўртинчидан, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан нодавлат секторида жорий этиш;

бешинчидан, миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

олтинчидан, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

еттинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали юқори малакали ва касбий

жихатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

саққизинчидан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

3. Идоравий мансублигидан қатъи назар, барча давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимига белгиланган тартибда ўтказилсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим соҳасидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази негизида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этилсин у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унинг зиммасига илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ–3261-сонли қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш бўйича комиссия зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларга юклатилган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлик бўғинларини вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир, чу-

қур билим ҳамда юқори касб маҳоратига эга бўлган тажрибали ва малакали мутахассислар билан тўлдириш;

мактабгача таълим тизимининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳудудлар бўйича ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра педгогика йўналишига ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларига мақсадли қабул квоталари бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика ҳудудларида 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринга мўлжалланган давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қўшимча барпо этиш орқали болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, болаларга мактабгача таълим-тарбия беришнинг муқобил турларини амалиётга жорий этишга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев ва халқ таълими вазири У.И. Иноятов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 сентябрь,
ПФ–5198-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**1055 «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги йилларда асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалолликнинг тимсоли сифатида эъзоланиб келинган, ўзбек халқининг тарихий мероси — «Кураш» миллий спорт турини (кейинги ўринларда кураш деб юритилади) қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида кураш халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, «кураш», «ҳалол», «таъзим», «тўхта» ва «ёнбош» каби атамалар эса халқаро спорт лугати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

1998 йил 6 сентябрда таъсис этилган Кураш халқаро ассоциацияси бугунги кунда сайёрамизнинг бешта қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган.

2010 йилда Кураш халқаро ассоциацияси Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида «Кураш» миллий спорт тури тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси курашни халқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, келгусида эса Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритиш бўйича фаол тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд айрим камчиликлар курашни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, «Кураш» миллий спорт турини, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида, ўсиб келаётган авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар замон талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, мазкур спорт тури бўйича қобилиятли курашчиларни аниқлаш ва саралаш ҳамда уларнинг машқ қилиши, шунингдек, мураббий ва ҳакамларни тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этиш имкони берадиган клуб ва секцияларнинг яхлит тизими шакллантирилмаган;

учинчидан, ёшларни ушбу спорт тури билан шуғулланишга кенгрок жалб этишга қаратилган халқаро мусобақалар ғолиблари ва совриндорларини рағбатлантиришнинг самарали тизими жорий этилмаган;

тўртинчидан, зарур моддий-техник база ва спорт инфратузилмасининг етарли эмаслиги, спорт анжомларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаганлиги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 3 октябрда эълон қилинган.

спортчилар машғулотларини талаб даражасида ташкил этишга ҳамда кураш бўйича халқаро мусобақаларни ўтказишга тўсқинлик қилмоқда.

«Кураш» миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонида юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. 6 сентябрь — «Кураш» миллий спорт тури кунини сифатида белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида «Кураш» миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да замонавий спорт клублари ва секцияларини ташкил этиш;

кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш;

кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирлар иштирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш;

«Кураш» йўналиши бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул квоталарини ошириш;

мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган «яктак» спорт кийимлари ва «кураш гилам»ларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

курашни, шу жумладан, реклама кампанияларини ўтказиш ва ижтимоий роликларни намойиш этиш орқали оммалаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси «Кураш» миллий спорт турини «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон кураш федерациясининг Ўзбекистон кураш федерацияси ҳузурида «Кураш» миллий спорт тури маркази» нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва Тошкент шаҳар, Корхожаота кўчаси, 25-уй манзили бўйича жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Кураш» миллий спорт тури марказини мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган манзил бўйича бепул жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон кураш федерацияси ва унинг бўлинмалари фаолиятини мунтазам қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, «Кураш» миллий спорт тури маркази биносини реконструкция қилиш ва моддий-техник жиҳозлаш учун ҳомийлик маблағларини жалб этиш бўйича таклифлар киритсин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси (ялпи тушуми) Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, хомийлик ва хайрия ёрдам кўринишидаги маблағлар миқдорига, лекин солиқ солинадиган фойданинг (ялпи тушумнинг) ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камаяди;

Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан спортчилар ва мураббийларга топшириладиган пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар кўринишидаги даромадлар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан озод қилинади.

7. Спортчиларни ҳаммабop ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш мақсадида асосий фаолияти «яктак» спорт кийимлари ва (ёки) «кураш гилам»ларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар беш йил муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон кураш федерациясининг буюртмалари бўйича курашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундиришдан кириш визаларини расмийлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон кураш федерациясига хорижда кураш бўйича халқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон кураш федерациясининг буюртмалари бўйича курашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

10. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига спорт мусобақалари ва турнирларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиш орқали курашни оммалаштиришга кўмаклашиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда кураш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги голибларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартибини жорий этиш ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳуж-

жатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 2 октябрь,
ПҚ-3306-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1056 Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон ва «Заргарлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПҚ–3199-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензияланадиган ишлар турлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялашда идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик схемаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2017 йил 1 октябрдан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни (кейинги ўринларда заргарлик буюмлари деб аталади) қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги томонидан бериладиган лицензияга асосан ишлаб чиқаради;

б) 2018 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан:

юридик шахсларга — заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш;

якка тартибдаги тадбиркорларга — алоҳида буюртма бўйича заргарлик буюмлари тайёрлаш, шунингдек заргарлик буюмларини таъмирлаш учун аввал берилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари бекор қилинсин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

в) заргарлик буюмлари ишлаб чиқиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар фақат тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона марказлар ёки Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Тошкент зарбхонаси» давлат унитар корхонаси 2017 йилнинг 1 октябридан заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияни расмийлаштирган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг мурожаатлари бўйича шахсий тамғаларни тайёрлашни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги:

2017 йил 1 октябрдан заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун лицензиялар мазкур қарорга мувофиқ берилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 сентябрь,
777-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 сентябрдаги 777-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан
заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни
лицензиялаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш (кейинги ўринларда заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги (кейинги ўринларда лицензиялаш органи деб аталади) томонидан Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензияланадиган ишлар турлари рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

3. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш фақат тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» (кейинги ўринларда «Ягона дарча» маркази деб аталади) тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона марказлар ёки Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) орқали ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензия (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) беш йил муддатга берилади.

Даъвогар аризасига кўра, лицензия беш йилдан кам бўлган муддатга берилиши мумкин.

5. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

лицензия — юридик шахслар ва юридик шахсни ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда якка тартибдаги тадбиркор деб аталади) бериладиган, тегишли ахборот тизими реестрига рўйхатга олиш маълумотлари киритилганини тасдиқлайдиган заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш (хуқуқи) учун матрицали штрих кодга эга (кейинги ўринларда QR коди деб аталади) рухсатнома;

даъвогар — юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд уларнинг лицензия олиш учун тегишли ариза билан белгиланган тартибда «ягона дарча» марказларига ёки Ягона давлат портали орқали мурожаат қиладиган ваколатли шахси.

ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси (кейинги ўринларда шахсий тамға деб аталади) — лотин алифбоси учта бош ҳарфининг ишлаб чиқарувчилар тўғрисида шифрланган кўринишдаги ахборотни ўз ичига олган комбинацияси бўлиб, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчига берилади.

6. Лицензия лицензиатларга ўзлари ишлаб чиқарган заргарлик буюмларини сотиш хуқуқини беради.

2-боб. Лицензиялаш талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар лицензияланадиган ишлар турлари рўйхатига мувофиқ заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензияланган талаблар ва шартлар ҳисобланади:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида, қимматбаҳо металллардан тайёрланган буюмлар намуналари ва уларни тамғалаш ҳақидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тошлардан заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш фаолиятини техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя этиш;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш бўйича лицензияланадиган ишлар турларини амалга ошириш талабларига мос мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи ёки бошқа мол-мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва шароитларнинг мавжудлиги;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техника базаси, ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги.

8. Қўйидагилар заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда қўшимча лицензиялаш талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилладиган ва/ёки низом жамғармасида камида 50 фоиз давлат улушига эга бўлган юридик шахслар учун;

фаолият кўрсатадиган жойда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техник мустаҳкамлик йўриқномалари, материаллар, хом ашё ва тайёр буюмларни сақлаш қоидаларига белгиланган талабларга мувофиқ риоя этилишини таъминлаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш бўйича талабларни тартибга солувчи техник ва норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги (қимматбаҳо металлларни сарфлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш бўйича объект ичидаги йўриқномалар, техник қайдлар, маршрут технологиялари харитаси, бичиш хариталари, барча операциялар учун операциялар бўйича нормативлар, қимматбаҳо металлларни сарфлашнинг батафсил операция нормалари ва жамланган нормалари);

заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун малакали ходимларнинг мавжудлиги;

даъвогарнинг қимматбаҳо металлларни олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, сақлаш тартиби, қимматбаҳо металлларни тайёрлаш, қадоқлаш, транспортировка қилиш, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш қорхоналарига топшириш тартибига риоя қилиш бўйича талабларни сўзсиз бажариши;

қимматбаҳо металлларнинг келиб тушиши, сарфланиши ва хом ашёда, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришда ва таркибида қимматбаҳо металллар бўлган буюмларда уларнинг қолдиқларини, шунингдек ушбу бойликлар чиқиндилари ва йўқотишларнинг қатъий ҳисобини юритиш;

хом ашёда, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришда ва таркибида қимматбаҳо металллар бўлган буюмларда, барча сақлаш жойлари ҳамда бевосита ишлаб чиқаришда уларнинг қолдиқларини белгиланган муддатларда инвентаризациядан ўтказиш;

қимматбаҳо металллар ҳосил бўладиган жойлар ва манбаларда уларнинг барча турдаги парчалари ва чиқиндиларининг тўлиқ тўплаш, ҳисобга олиш ҳамда сақлашни таъминлаш;

даъвогарнинг лицензия берувчи орган томонидан белгиланадиган шакллар бўйича ва муддатларда қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботларни албатта тақдим этиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмайдиган ва/ёки низом жамғармасида камида 50 фоиз давлат улушига эга бўлмаган юридик шахслар учун;

фаолият кўрсатадиган жойда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техник мустаҳкамлик йўриқномалари, материаллар, хом ашё ва тайёр буюмларни сақлаш қоидаларига белгиланган талабларга мувофиқ риоя этилишини таъминлаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашни амалга ошириш учун техник ва норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

лицензиат томонидан лицензия берувчи органга ҳар чоракда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар ҳаракати тўғрисида (қимматбаҳо металл сотиб олинган чоракдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар) эркин шаклда, қоғоз шаклда, раҳбар томонидан тасдиқланиб, муҳрланган, қимматбаҳо металл сотиб олинган сана ва ҳужжатлар реквизитлари, харид қилинган қимматбаҳо металл номи, лигатур оғирлиги, пробаси, металнинг ҳар бир пробаси ва тури бўйича тайёрланган буюмлар сони, буюмларнинг лигатур оғирлиги, ўрнатилган тошлар оғирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан синаб кўриш ва тамғалашдан кейинги пробаси, лигатур оғирликдаги қимматбаҳо металлларнинг соф оғирлиги, қолдиқлари харид қилинган қимматбаҳо металлнинг лигатур оғирлиги, пробаси ва соф оғирлиги кўрсатилган ҳисоботларни тақдим этиши;

в) якка тартибдаги тадбиркорлар учун — даъвогарнинг қимматбаҳо металлларни ҳисобга олиш ва сақлаш талабларига қатъий амал қилиши.

3-боб. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

9. Даъвогар қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқариш бўйича лицензия олиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва услубда «Ягона дарча» марказига келиб ёки Ягона портал орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон шаклдаги (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда лицензия бериш тўғрисида қуйидагилар кўрсатилган аризани тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жойлашган манзили (почта манзили), фаолият кўрсатадиган жойи (манзили), банк бўлимидининг номи ва ҳисоб-рақами, телефон рақами ва мавжуд бўлса, электрон почтаси ҳамда веб-сайти;

якка тартибдаги тадбиркорнинг исми, фамилияси ва отасининг исми (мавжуд бўлса), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жойлашган манзили, фаолият кўрсатадиган жойи (манзили), боғланиш учун ахборот (телефон, электрон почта);

даъвогар амалга ошириш ниятида бўлган фаолият турлари (ёки уларнинг қисмлари);

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тарози ва тошлар текширилгани ҳақида маълумотлар;
заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш тахмин қилинаётган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мос келиши ҳақида маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан ажратилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланиш мўлжалланаётган объектлар учун (юридик шахслар учун) — объектнинг техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш бўлимларининг техник қўриқлаш марказига (пунктига) улангани ҳақида маълумот;

аризани кўриб чиқиш учун йиғимлар ва лицензия олиш учун давлат божи тўланганини тасдиқловчи маълумотлар.

Даъвогар лицензия олиш ариза тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда 1 ва 2 гуруҳдаги ёки ҳар қандай гуруҳдаги барча фаолият турини кўрсатади.

Даъвогарнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризасида электрон манзининг кўрсатилиши унинг Ягона портал орқали электрон шаклдаги аризаси бўйича қарор қабул қилингани тўғрисидаги хабарни олишга розилигини англатади.

10. Даъвогарнинг ушбу Низомнинг 9-моддасида назарда тутилмаган маълумотларни тақдим этишни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

11. Даъвогар «ягона дарча» марказига келиб мурожаат қилган тақдирда, марказ ходими аризанинг лицензия берувчи давлат органи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган давлат хизматлари паспортига мувофиқ аризанинг тўғри тўлдирилганини текширади.

«Ягона дарча» марказининг ходими аризани рўйхатдан ўтказгандан сўнг даъвогарга аризани қабул қилиб олгани ҳақида тилхат беради ёки ариза нусхасига унинг рўйхат рақами кўрсатилган тегишли қайдни киритади.

12. «Ягона дарча» ходими аризани белгиланган тартибда қабул қилиб олган кунда ундаги маълумотларни Ягона портал орқали лицензия берувчи органга юбориладиган махсус шаклга киритади.

13. Даъвогар ўзи яшамайдиган жойдаги «Ягона дарча» марказига келиб мурожаат қилган ҳолатда, ариза марказ томонидан лицензия берувчи органга Ягона портал орқали юборилади.

14. Даъвогар аризани «Ягона дарча» марказига электрон шаклда тақдим қилган ҳолатда, марказ ходими зарур бўлганда унга аризани марказнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун ажратилган биносида жойлашган Ягона портал орқали юборишга қўмаклашади.

Қоғозда расмийлаштирилган «PDF» форматдаги (ҳужжатларнинг платформалар ўртасидаги формати) нусхалар кўринишида сканерланган ҳужжатлар илова қилинган маълумотларни юборишга рухсат этилади. Ҳар бир ҳужжат асл нусхага мос келадиган барча белгилар сақланиши таъминладиган алоҳида файл кўринишида бўлиши лозим (бир дюймда камида 200 нукта). Битта файлнинг ҳажми 10 Мб дан ошмаслиги керак.

15. Даъвогар аризани Ягона портал орқали тақдим этиши учун фойдаланувчининг шахсий кабинети ёки «Тадбиркорлик субъектининг кабинети» шахсий кабинетдан фойдаланишга рухсат олиши, «Заргарлик буюмларини

ишлаб чиқаришни лицензиялаш» хизматини танлаши ва хизматлар паспортига мувофиқ аризани белгиланган шакли бўйича хизматлар кўрсатиш учун сўровномани шакллантириши зарур.

16. Ягона портал орқали жўнатилган ариза автоматик равишда рўйхатга олинади ва унга ўзига хос рўйхатга олиш рақами берилади.

17. Ариза лицензияловчи органнинг масъул ходими томонидан қабул қилинади ва уни олганлиги ҳақида маълум қилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

18. Лицензия бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланадиган комиссия ташкил этилади (кейинги ўринларда комиссия деб аталади).

19. Комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи органи деб аталади) ҳисобланади.

21. Ишчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд зарур маълумотларни белгиланган тартибда идоралараро электрон ҳамкорлик схемасига мувофиқ олади.

22. Комиссия ишчи органи билан биргаликда қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва услубда олинган аризани кўриб чиқади ҳамда аризани тақдим этиш услубидан қатъи назар, қуйидагилар учун ариза қабул қилинган муддатдан ошмайдиган муддатда лицензия беради ёки беришни рад этади:

лицензия бериш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун — 10 иш куни;

лицензияни қайта расмийлаштириш учун — 5 иш куни;

ихтиёрий бекор қилиш учун — 8 иш куни.

Комиссияга:

лицензия бериш тўғрисидаги аризани бевосита даъвогардан почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда қабул қилиш;

«ягона дарча» марказига мурожаат қилган даъвогарларни уларнинг лицензия бериш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш жараёнида таклиф этиш тақиқланади.

23. Даъвогардан лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ариза тақдим этилган кундаги энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан тўлов ундирилади:

юридик шахслар учун — энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридан;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан.

Тўлов Интернет ахборот тармоғи орқали реал вақт режимида банк карталари ва «SMS-хабардор қилиш» хизмати ёрдамида нақдсиз, Ўзбекистон Республикаси банкларининг кассалари орқали нақд тўланиши мумкин.

24. «Ягона дарча» маркази орқали мурожаат қилинган тақдирда аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган маблағнинг 10 фоиз миқдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамига белгиланган тартибда ўтказилади.

Даъвогар Ягона портал орқали лицензия бериш тўғрисида мурожаат қилган бўлса, аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган маблағнинг 10 фоиз миқдори Ягона интерактив давлат хизматлари порталини янада ривожлантиришни молиялаштириш ҳамда вазирлик ходимларини қўшимча рағбатлантириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб-рақамига ўтказилади.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун тўловнинг қолган қисми ишчи органнинг ҳисобига ўтказилади ва кейинчалик тушадиган маблағлар ишчи органни сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириши учун йўналтирилади.

Даъвогар тақдим этган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган тўлов қайтариб берилмайди.

25. Ишчи орган ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган қарор қабул қилиш муддати тугашигача 3 иш соатдан кечиктирмасдан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва услубда «Ягона дарча» марказига ёки даъвогарнинг Ягона порталдаги шахсий кабинетига тақдим этилган аризага ва ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда расмийлаштирилган лицензияни ёхуд ушбу Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда лицензия бериш рад этилгани ҳақидаги хабарни юборади.

26. Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича келган ҳужжат «Ягона дарча» маркази томонидан қоғозда чоп этилгандан сўнг унга марказ муҳри қўйилади ва ушбу ҳужжат лицензияловчи орган берган лицензияга тенглаштирилади.

27. Агар ишчи орган қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва услубда тақдим этилган лизенция бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда даъвогарга ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилган лицензияни юбормаса ёки уни аризада қайд этилган шаклда хабардор қилмаса, ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган муддат тугагандан сўнг даъвогар «Ягона дарча» маркази ёхуд Ягона портал орқали тегишли хабарнома тақдим этган ҳолда заргарлик буюмлари тайёрлаш ишларини бажариш ҳуқуқига эга.

28. 27-бандда назарда тутилган ҳолатда, ишчи орган даъвогардан тегишли хабарномани олгандан сўнг 3 иш кuni давомида ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилган лицензияни юбориши шарт.

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

29. Лицензия олингунга қадар, ўзига хос рўйхат рақамига эга хабарномани олганлик тўғрисидаги тилхат ёки «Ягона дарча» марказининг қабул қилингани ҳақида белги қўйилган ҳамда ўзига хос рўйхат рақамига эга хабарнома нусхаси лицензияга тенглаштирилади ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

30. Ишчи орган лицензияловчи органдан даъвогарнинг аризасини олган кундан:

уч иш куни мобайнида «Ягона дарча» марказини ёки даъвогарни Ягона портал орқали ишчи органи ваколатли вакилининг даъвогар жойлашган жойга унинг лицензия талаблари ва шартларига ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шаклда мос келиши ёки келмаслигини ўрганиш учун борадиган вақти ва муддати, унинг фамилияси ҳамда отасининг исми ҳақида маълум қилади. Бунда «Ягона дарча» маркази ходими даъвогарга ўрганиш ўтказиладиган вақт ва муддат, шунингдек, ишчи органи ваколатли вакили ҳақида зудлик билан маълум қилади;

уч иш куни давомида тақдим этилган ахборотни кўриб чиқади ва даъвогарга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлик бўйича ўрганишни амалга ошириш тартибини тушунтирадиган ваколатли вакилнинг даъвогар жойлашган жойга ўз вақтида боришини таъминлайди. Ваколатли вакил ўрганиш ишларини бир иш куни давомида ниҳоясига етказиши ва ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада хулоса тайёрлаши лозим. Хулосанинг бир нусхаси даъвогарда қолади, иккинчи нусхаси комиссияга тақдим этилади;

икки иш куни давомида комиссияга ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига даъвогарнинг мос келиши ёки мос келмаслигини ўрганиш ҳақидаги хулосани, шунингдек комиссия мажлиси протоколининг лойиҳасини тақдим этади.

Тегишли соҳадаги юқори малакали мутахассисларгина ваколатли вакиллар сифатида жалб қилиниши керак.

Комиссия ишчи органнинг ушбу бандда назарда тутилган муддатга риоя этишини таъминлайди.

31. Комиссия ишчи органининг хулосасини кўриб чиқади ва хулоса тақдим этилгандан сўнг икки иш кунда имзоланган протоколни лицензияловчи органга киритади.

32. Лицензияловчи орган комиссия протоколни имзолагандан сўнг бир кун муддатда уни тасдиқлайди ва унда лицензияни бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни кўрсатади.

Лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган ва ишчи органга бериладиган протокол лицензияловчи органнинг лицензияни бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорини ўз ичига олади.

33. Ишчи орган лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида Ягона портал орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва услубда қуйидагилар ҳақида хабарнома юборади:

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ушбу Низомга 6-иловага* мувофиқ шаклда лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида, унда протокол рақами ҳамда қарор қабул қилинган сана кўрсатилади;

ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда лицензия беришни рад этиш тўғрисида, унда рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва даъвогар қайд этилган сабабларни бартараф этиб, такрорий кўриб чиқиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

34. Лицензия бериш қўйидагиларга асосан рад этилиши мумкин:

даъвогар лицензия олиш учун зарур бўлган маълумотларни тўлиқ тақдим этмаса;

даъвогар қайд этган маълумотлар ишончсиз ёки нотўғри кўрсатилса;

даъвогар ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида кўзда тутилган талаблар ва шартларга мос келмаса;

ушбу Низомнинг 30-бандига биноан ўтказилган сўров натижалари бўйича асосли салбий хулоса берилса;

лицензияни бошқа сабабларга кўра, жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли бериш рад этилса.

35. Даъвогар рад қилиш сабабларини бартараф этиши ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддати рад этиш сабабларини бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин камида 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

36. Агар лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, шунингдек даъвогар тақдим этган аризасидан воз кечса, лицензия бериш учун тўланган давлат божи миқдори қайтариб берилади.

37. Даъвогар лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этса, лицензияловчи орган даъвогардан ариза ва рад этиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли маълумотлар қабул қилиб олинган кундан эътиборан 7 иш кунидан ошмайдиган муддатда унинг аризасини, лицензия бериш ёки беришни рад этишни қайта кўриб чиқади. Даъвогарнинг аризасини қайта кўриб чиқишда тўлов ундирилмайди.

38. Даъвогарнинг лицензия беришни рад этиш сабабларини бартараф этгани ҳақида аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли маълумотлар ушбу Низомнинг 3-бобида назарда тутилган тартибда тақдим этилади.

39. Аризани қайта кўриб чиқишда аввалги рад этиш хабарномасида кўрсатилмаган бошқа сабаблар туфайли лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди, аввал қайд этилган сабаблар бартараф этилганини тақиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабабларини келтириш бундан мустасно.

40. Даъвогар лицензия беришни рад этиш тўғрисида ёзма хабарномада кўрсатилган муддат тугаганидан кейин тақдим этган аризаси қайта тақдим этилган деб ҳисобланади ва ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган муддатларда кўриб чиқилади.

41. Лицензия ишчи орган томонидан электрон ҳужжат шаклида расмий-

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштирилади, лицензияловчи орган раҳбарининг, у бўлмаганда ўринбосарининг ЭРИ билан имзоланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Ягона дарча» марказига ёки даъвогарнинг Ягона порталдаги шахсий кабинетига тақдим этилган аризага мувофиқ юборилади.

42. Лицензия ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва тегишли дастурий-аппарат воситасининг даъвогар ҳақида уни идентификациялаш имконини берадиган асосий ахборотни (рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотлар), шунингдек Интернет тармоғида тегишли электрон ахборот ресурсида шахсий тамға берилгани тўғрисида маълумотлар қайд этилганидан далолат берувчи манзилни ўқиш имконини берадиган QR-кодини ўз ичига олади.

43. Даъвогар аризанинг XVI-бўлимида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда барча белгиларни қўйиш орқали лицензия талаблари ва шартларига риоя этилгани ҳақидаги маълумотларни тасдиқлаган ҳолатда, лицензияни алоҳида имзолаш талаб этилмайди ва бу лицензия шартномаси имзолашга тенглаштирилади.

44. Ишчи орган тегишли ахборот тизимларига лицензия расмийлаштирилгани ҳақида зарур ахборотни киритади ва қоғоз манбада шакллантириладиган реестрда қайд этилади.

45. Лицензия бериш учун даъвогардан ариза тақдим этилган кундаги энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилади:

юридик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида.

46. Даъвогар лицензия бериш ҳақидаги аризани қўйидагилар орқали тақдим этганда:

«Ягона дарча» маркази орқали — аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган давлат божининг 10 фоиз миқдоридаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига «Ягона дарча» марказлари фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш учун ўтказилади ва кейинчалик келиб тушадиган маблағларни марказларни сақлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириши учун йўналтирилади;

Ягона портал орқали — аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган давлат божининг 10 фоиз миқдоридаги маблағлар Ягона интерактив давлат хизматлари порталини янада ривожлантиришни молиялаштириш ҳамда вазирлик ходимларини қўшимча рағбатлантириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия бериш учун давлат божининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

47. Ишчи орган раҳбари тегишли ахборот ресурсларида берилган, узайтирилган, қайта расмийлаштирилган, тўхтатилган, қайта тикланган, шунинг-

дек амал қилиш бекор қилинган лицензиялар ҳақидаги ахборотнинг ишончлилиги ва ўз вақтида киритилиши учун шахсан жавоб беради.

48. Даъвогар лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Шахсий тамғани бериш, уни рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланиш тартиби

49. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда даъвогарга ишчи орган томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқарувчи шахсий тамғаси (ҳарфли белгилар) берилади.

50. Шахсий тамғани ишлаб чиқишда аввал ишлатилган ҳарфлар комбинациясини бошқа даъвогарга такроран бериш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги керак.

51. Шахсий тамға ишчи органи томонидан даъвогарни ушбу Низомнинг 55-бандида назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказиш шарти билан лицензиатга лицензияланадиган фаолиятни амалга оширишнинг бутун даври учун берилади.

52. Шахсий тамғадаги муҳр лицензиат томонидан тайёрланган буюмларга уларни бошқа ишлаб чиқарувчи тайёрлаган заргарлик буюмларидан ажратиш имкониятига эга бўлиш учун қўйилади.

53. Ишчи орган лицензиатни ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шаклда шахсий тамғадаги муҳрни рўйхатдан ўтказиш қоидалари ҳақида хабардор қилади.

Шахсий тамға шифрларини даъвогар лицензия расмийлаштирилган пайдан уч ой давомида сақлайди.

54. Лицензиат ўз аризасида қайд этган шаклдаги хабарномани олгандан шахсий тамғани тайёрлаб бериш учун ихтисослаштирилган корхоналарга мустақил мурожаат қилади.

55. Шахсий тамға ишчи орган томонидан лицензиат ишчи орган белгиланган ҳажмдаги жез пластинада тамға муҳрларини (майда, ўртача, чуқур) тақдим этганидан сўнг рўйхатдан ўтказилади.

Ишчи орган тақдим этилган муҳрларни текширувдан ўтказгач, шахсий тамғадаги муҳрни рўйхатдан ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ушбу Низомга 7-иловага* мувофиқ шаклда рўйхатга олиш ҳақидаги тегишли хабарнома ёки Ушбу Низомга 8-иловага* мувофиқ шаклда рўйхатга олиш рад этилгани ҳақидаги хабарнома ариза берувчига электрон почта орқали ёки лицензиатнинг Ягона порталдаги шахсий кабинетига унинг аризада кўрсатган шаклда юборилади ҳамда унда рўйхатдан ўтказиш рад этилганининг аниқ сабаблари ва муддатлари кўрсатилади. Лицензиат ушбу муд-

* 7-8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дат давомида қайд этилган сабабларни бартараф этиб, шахсий тамғадаги муҳрларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин.

56. Ишчи органнинг тегишли бўлинмаси лицензиатларга шахсий тамғадаги муҳрлари ўз вақтида берилишини назорат қилади.

Агар лицензиат ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича хабарнома олинган кундан қирқ беш кун мобайнида шахсий тамғадаги муҳрни ишчи органга юбормаса, лицензияловчи орган ишчи орган тақдими бўйича заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун лицензияга амал қилишни тўхтади.

57. Лицензияловчи органнинг лицензияга амал қилишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилса, ушбу Низомга 9-иловага* мувофиқ шаклдаги тўхтатиш ҳақида тегишли хабарнома ариза берувчига электрон почта орқали ёки лицензиатнинг Ягона порталдаги шахсий кабинетига унинг аризада кўрсатган шаклда юборилади ҳамда унда рўйхатдан ўтказиш рад этилганининг аниқ сабаблари ва муддатлари кўрсатилади. Лицензиат ушбу муддат давомида қайд этилган сабабларни бартараф этиб, шахсий тамғадаги муҳрларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин.

Лицензиатга тўхтатиш сабабларини бартараф қилиш имконини берадиган муддат уларни бартараф этиш учун зарур вақтга мутаносиб бўлиши, аммо лицензияга амал қилиш тўхталиши ҳақида хабар олинган пайтдан ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак.

58. Ишчи орган лицензия тўхтатилгани ҳақида тегишли ахборот тизимларига зарур ахборотни киритади ва қоғоз манбада шакллантириладиган реестрда қайд этилади.

59. Лицензиат лицензияга амал қилишни тўхтатиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияга амал қилиш муддатини қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисидаги аризани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган сабабларни бартараф этилгани тўғрисидаги аризани ҳамда тўхтатиш сабаблари бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли маълумотлар олинган кундан ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда қайта кўриб чиқади.

60. Лицензияловчи орган тўхтатилган лицензияни қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу Низомга 10-иловага* мувофиқ шаклдаги тегишли хабарнома ариза берувчига унинг аризасида кўрсатилган шаклда юборилади ва тегишли ахборот тизимларига зарур ахборот киритилади.

61. Лицензиат лицензия расмийлаштирилган кундан уч ой мобайнида иш органда унга берилган шахсий тамғадаги муҳрни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмаса, лицензияловчи орган ишчи органга ахборот тақдим этиш асосида берилган лицензияга амал қилишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади, лицензиатнинг почта манзили ёки Ягона порталдаги шахсий кабинетига ушбу Низомга 11-иловага* мувофиқ шаклда тегишли хабарнома юборди ҳамда берилган лицензияга амал қилиш тўхтатилгани ҳақида тегишли ахборот тизимларига маълумот киритади.

* 9 — 11-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унга амал қилиш муддатини узайтириш

62. Фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакл ўзгартирилса, таъсис ҳужжатларига бошқа ўзгартиришлар киритилиб, қайта ташкил этилса (бирлаштириш, қўшилиш, қайта ташкил этиш, ажратиш) ёки лицензияда қайд этилган фаолият жойини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинса, юридик шахс (унинг вориси) қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш кун ичида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақида Низомнинг 9-бандида назарда тутилган тартибда ариза тақдим этади.

Давлат рўйхатидан ўтиш санасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияси бўлган янги ташкил этилган юридик шахсга эга юридик шахслар бирлашган ҳолатда, лицензияни ушбу бандда назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштиришга рухсат этилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатга олиш маълумотлари ўзгартирилганда (қўшимчалар киритилганда), шу жумладан лицензияда қайд этилган фаолият жойи ўзгартирилганда якка тартибдаги тадбиркор қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг беш кун ичида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақида Низомнинг 9-бандида назарда тутилган тартибда ариза тақдим этади.

63. Ариза «Ягона дарча» марказига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва услубда почта алоқаси воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки Ягона портал орқали ариза берувчининг ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклда марказга келиб тақдим этилади ва унда:

ушбу Низомнинг 62-бандида кўрсатилган ўзгартиришларни тасдиқловчи маълумотлар;

лицензия рақами, берилгани санаси ва амал қилиш муддати тугаган сана;

заргарлик буюмлари тайёрлаш ишлари амалга ошириш тахмин қилинаётган объектнинг (лицензияда қайд этилган фаолият кўрсатиш жойи ўзгартирилган тақдирда) ёнғин хавфсизлиги талабларига мос келиши ҳақидаги маълумотлар;

объектнинг техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш бўлимларининг техник қўриқлаш марказига (пунктига) улангани ҳақида маълумот — лицензияда кўрсатилган фаолият юритиш жойи ўзгарганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан ажратилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланиш мўлжалланаётган объектлар учун (юридик шахслар учун);

лицензияни қайта расмийлаштириш учун тўловлар тўлангани ҳақида маълумотлар.

64. «Ягона дарча» маркази масъул ходими аризани қабул қилган куннинг ўзида лицензияловчи органга жўнатади.

65. Ишчи орган лицензияловчи органдан аризани қабул қилиб олгач, қайд этилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни қонун ҳужжат-

ларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш бўйича автоматлаштирилган тизим орқали сўрайди.

66. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар унда қайд этилган фаолиятни аввал берилган лицензия асосида (лицензияда кўрсатилган фаолият юритиш жойи ўзгартирилган ҳолатлар бундан мустасно) амалга оширади.

Ўзига хос рўйхат рақамига эга лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани ёки унинг «Ягона дарча» маркази томонидан қабул қилингани ва ўзига хос рўйхат рақамига эга нусхасини олганлик тўғрисидаги тилхат фаолиятни давом эттириш учун асос ҳисобланади.

67. Лицензияни расмийлаштириш учун лицензиатдан ариза тақдим этилган кундаги энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади:

юридик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим баравари миқдорида;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида.

Даъвогар лицензия бериш ҳақидаги аризани қўйидагилар орқали тақдим этганда:

«Ягона дарча» маркази орқали — лицензияни қайта расмийлаштириш учун тўланадиган маблағнинг 10 фоиз миқдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига белгиланган тартибда ўтказилади.

Ягона портал орқали — лицензияни қайта расмийлаштириш учун тўланадиган маблағнинг 10 фоиз миқдори Ягона интерактив давлат хизматлари порталини янада ривожлантиришни молиялаштириш ҳамда вазирлик ходимларини қўшимча рағбатлантириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун тўловларнинг қолган қисми ишчи органнинг ҳисобига ўтказилади ва кейинчалик тушадиган маблағлар ишчи органни сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириши учун йўналтирилади.

68. Лицензия «Ягона дарча» марказидан лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақидаги ариза ёки Ягона портал орқали лицензиат томонидан лицензияловчи органга тегишли ариза тақдим этилгани тўғрисидаги хабарнома олинган кундан бошлаб, фаолият юритиш жойи, жойлашган жой (почта манзили) ўзгарганда етти иш кунида, фирма номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва таъсис ҳужжатларининг бошқа ўзгартиришлари (қўшимчалари) билан боғлиқ ўзгартиришлар бўлган тақдирда беш иш кунида қайта расмийлаштирилади.

69. Ишчи орган лицензияни қайта расмийлаштириш учун тақдим этилган аризани кўриб чиқиб, лицензияни ушбу Низомнинг 25 ва 30-бандларида назарда тутилган тартибда (лицензиат фаолият юритиш жойини ўзгартирганда) расмийлаштиради.

Ишчи орган лицензияни қайта расмийлаштириш жараёнида қоғоз манбада шакллантириладиган реестрга тегишли ўзгартиришлар, шунингдек тегишли ахборот тизимларига электрон шаклда расмийлаштириладиган реестрда лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақида ахборотни киритади. Ушбу Низомга 12-иловага* мувофиқ шаклдаги тегишли хабарнома унинг аризасида кўрсатилган шаклда юборилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда аввал берилган лицензиянинг амал қилиш муддати ўзгармайди.

70. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиатнинг унда қайд этилган муддат тугунига қадар тақдим этилган аризасига биноан узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддати ушбу Низомнинг 2, 3 ва 4-бобларида назарда тутилган тартибда узайтирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза (Низомнинг 9-банди) лицензия муддати тугагунига қадар бир ойда кечиктирилмасдан тақдим этилиши шарт. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда узайтирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича ижобий қарор қабул қилинса, ишчи орган қоғоз манбада шакллантириладиган реестрга тегишли ўзгартиришларни, шунингдек тегишли ахборот тизимларига электрон шаклда расмийлаштириладиган реестрда лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақида ахборотни киритади. Ушбу Низомга 13-иловага* мувофиқ шаклдаги тегишли хабарнома унинг аризасида кўрсатилган шаклда юборилади.

7-боб. Лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш

71. Лицензиатнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишини ишчи орган назорат қилади.

72. Ишчи орган назоратни амалга оширишда ўз ваколати доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиатнинг лицензия талабларига риоя этиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан хом ашё сифатида сотиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан мақсадли фойдаланишини режали ва қисқа муддатли текшириш;

лицензиатдан текширувни ўтказиш чоғида юзага келадиган масалалар бўйича зарур ахборотни сўраб олиш;

текширув натижалари лицензиат томонидан йўл қўйилган аниқ бузилишлар кўрсатилган далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

* 12-13-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияларнинг амал қилишини бекор қилиш ҳақида қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш;

конун ҳужжатлари бузилиши, жумладан, лицензия талаблари ва шартларининг бир марта бўлса ҳам қўпол бузилиши ва /ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан хом ашё сифатида сотиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан мақсадсиз фойдаланиш оқиба-тида, шунингдек ишчи органи томонидан лицензия талабларига риоя этиш бўйича белгиланган тартибда ўтказиладиган текширувлардан бўйин товлаганлик учун лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш ҳақида белгиланган тартибда қарор чиқариш.

73. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш натижаларига кўра икки нусхада далолатнома тузилади ва унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчиси ишчи органда қолади.

8-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш, қайта тиклаш ва бекор қилиш

74. Лицензиянинг амал қилиши ишчи орган томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 ва 23-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда тўхта-тилади ва бекор қилинади.

Ишчи орган амал қилиш муддати тўхтатилган ёки бекор қилинган лицензиялар ҳақидаги маълумотларни тегишли ахборот тизимларига киритади.

75. Қўйидагилар лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда бекор қилишга сабаб бўладиган лицензия талаблари ва шартларини бир марта қўпол бузиш ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан хом ашё сифатида сотиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан мақсадсиз фойдаланиш;

ишчи органи томонидан лицензия талабларига риоя этиш бўйича белгиланган тартибда ўтказиладиган текширувлардан бўйин товлаш;

лицензия берилган фаолият натижасида давлат хавфсизлигига таҳдид қилиш, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига, шахслар ва /ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар мол-мулкига зарар етказиш ёхуд бундай зарарни етказадиган реал хавфни юзага келтириш лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда бекор қилишга сабаб бўладиган лицензия талаблари ва шартларини бир марта қўпол бузиш ҳисобланади.

76. Қўйидагилар лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда бекор қилишга сабаб бўладиган лицензия талаблари ва шартларини мунтазам (бир календарь йилида икки марта) бузиш ҳисобланади:

қимматбаҳо металлларни олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, сақлаш тартиби, қимматбаҳо металлларни тайёрлаш, қадоқлаш, транспортировка қилиш, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш корхоналарига топшириш тартибига риоя қилиш талабларини бузиш (Ўзбекистон Республикаси

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва/ёки устав жамғармасида камида 50 фоиз давлат улушига эга юридик шахслар учун);

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шакллар ва муддатлар бўйича ўз вақтида тақдим этмаслик.

Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш бўйича қарор қабул қилган ҳолатда тўхташи ҳақидаги хабарнома ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шаклда ёки бекор қилиш тўғрисидаги хабарнома 11-иловага мувофиқ шаклда лицензиатнинг (даъвогарнинг) электрон почта манзилига ёхуд Ягона порталдаги шахсий кабинетига унинг аризасида кўрсатилган шаклда тўхтатиш ёки бекор қилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда юборилади.

77. Юридик шахс таъсисчилари (иштирокчилари) якка тартибдаги тадбиркор ушбу турдаги фаолиятни ихтиёрий тугатгани ёки тўхтатгани ҳақида қарор қабул қилса, лицензиат ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда лицензиянинг амал қилишини ихтиёрий тўхтатиш ҳақида қуйидагилар кўрсатилган аризани «Ягона дарча» марказига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва услубда ёки Ягона порталга ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклда тақдим этади:

ариза берувчининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР,) банк бўлимининг номи ва ҳисоб рақами, телефон рақами ва мавжуд бўлса, электрон почтаси ҳамда веб-сайти;

якка тартибдаги тадбиркорнинг исми, фамилияси ва отасининг исми (мавжуд бўлса), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жойлашган манзили (почта манзили), фаолият кўрсатадиган жойи (манзили), боғланиш учун ахборот (телефон, электрон почта);

лицензия рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати тугаган сана.

78. Лицензиянинг амал қилишини ихтиёрий тўхтатиш ҳақидаги ариза Ягона портал орқали тақдим этилган ҳолатда, ишчи орган ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган қарор қабул қилиш муддати тугашигача 3 иш соатдан кечиктирмасдан, лицензиатни унинг аризада кўрсатган шаклда қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилади, тегишли ахборот тизимларига лицензиянинг амал қилиши тўхтатилгани ва шахсий тамға ҳақида электрон шаклдаги ахборотни киритади.

79. Лицензиянинг амал қилиши лицензиатга қабул қилинган қарор тўғрисида ушбу Низомга 14-иловага* мувофиқ шакл бўйича ҳамда аризада кўрсатилган тартиб ва услубда маълум қилинган санадан ихтиёрий тўхтатилган ҳисобланади.

80. Лицензия ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтказиш ман этилади.

81. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори юзасидан судда мурожаат қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз деб топган ҳол-

* 14-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларда лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорда жавобгар бўлади.

9-боб. Лицензиялар ва шахсий тамгалар реестри

82. Ишчи орган «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси орқали лицензиялар реестрини шакллантиради.

83. Лицензиялар реестрида қўйидагилар кўрсатилиши шарт:

а) лицензиат ҳақида ташкилотнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўз ичига олган асосий маълумотлар;

б) фаолият юритиладиган жой манзили, ишчи телефон, факс;

в) шахсий тамға шифри;

г) лицензия берилган сана ва унинг рақами;

д) лицензиянинг амал қилиш муддати;

е) лицензияланадиган фаолият турлари;

ж) лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиш ва қайта тиклаш учун асослар ҳамда муддатлар;

з) лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш учун асос ва муддат.

84. Лицензиялар реестридаги ахборот лицензияловчи органнинг расмий веб-сайти, «Лицензия» ахборот тизимлари комплексида жойлаштирилади ҳамда танишиш учун очиқ ҳисобланади.

10-боб. Яқуний қоидалар

85. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 сентябрдаги 777-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан
заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш бўйича
лицензия бериладиган фаолият турлари
РЎЙХАТИ**

Гуруҳ т/р	Гуруҳлардаги фаолият турларининг номлари
	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш:
1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан ажратилган қимматбаҳо металллардан фойдаланган ҳолда заргарлик буюмларни ишлаб чиқариш. Шахсий ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чиқиндиларни механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаш ёрдамида қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш. <i>(аҳоли буюртмасига асосан заргарлик буюмлари ясаида ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳуқуқига эга эмас).</i>
2.	Шахсий буюртма асосида аҳоли томонидан тақдим этилган материаллардан заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмларни таъмирлаш. Шахсий ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чиқиндиларни механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаш ёрдамида қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш. <i>(аҳоли буюртмасига асосан заргарлик буюмлари ясаида ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳуқуқига эга эмас).</i>

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 сентябрдаги 777-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган
заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқаришни лицензиялашда
идоралараро электрон ҳамкорлик
СХЕМАСИ**

Т/р	Лицензияловчи органга тақдим этиладиган маълумотлар номи	Маълумот тақдим қилиш учун масъул орган
1.	Лицензия даъвогари юридик шахсга нисбатан — юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи, унинг жойлашиш манзили (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами(СТИР)	Рўйхатга олувчи орган (тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари)
2.	Лицензия даъвогари якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан — якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, шарифи (мавжуд бўлганда), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), унинг жойлашиш манзили (почта манзили), фаолият юритиш жойи (манзили)	Рўйхатга олувчи орган (тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари)
3.	Лицензия даъвогари фаолияти хусусиятига мувофиқ ўлчовлар доирасида тарозилар, (турли	«Ўзстандарт» агентлиги органлари

Т/р	Лицензияловчи органга тақдим этиладиган маълумотлар номи	Маълумот тақдим қилиш учун масъул орган
	оғирликдаги) тошларнинг текширилгани тўғрисида сертификатга нисбатан — тарозилар, (турли оғирликдаги) тошларнинг текширилгани тўғрисида сертификат ҳақида маълумот.	
4.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларни ишлаб чиқариш мўлжалланаётган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулосасига нисбатан — объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ҳақида маълумот;	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси)
5.	Объектнинг техник мустақамлиги ҳамда унинг техник қўриқлаш маркази (пункти)га уланганлиги ҳақидаги текшириш далолатномасига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захирасидан ажратилган (юримдик шахслар учун) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланишда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг қўриқлаш бўлинмаларига объектнинг техник мустақамлиги ҳамда унинг техник қўриқлаш маркази (пункти)га уланганлиги ҳақида маълумот	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Ички ишлар органларининг қўриқлаш бўлинмалари)
6.	Лицензия даъвогарини биноси (хонаси)га нисбатан — бинонинг лицензия даъвогарига тегишлилиги, уни ишлатиш ҳуқуқи ва лицензияланган фаолият турини амалга ошириш учун мўлжалланган иншоотлардан фойдаланиш ҳақида зарурий маълумотлар.	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
7.	Лицензия даъвогарига нисбатан — заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришга лицензия бериш учун аризани кўриб чиқиш ҳақида тўланган тўловлар тўғрисида маълумот.	Кўрсатилган давлат хизматлари учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар миқдорларини ҳисобга олиш ягона биллинг тизими ташкилоти — оператор

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 сентябрдаги 777-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) 1-иловада «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги» бўлимидан сўнг қуйидаги мазмундаги бўлим қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 156-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда якка тартибдаги тадбиркор деб аталади)» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ёки якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 4-банддаги «ва якка тартибдаги тадбиркорлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 5-банднинг тўртинчи хатбоши ва 7-банднинг ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 9¹, 10 ва 12-бандлардаги «ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида» сўзлари «ушбу Низомнинг 8-бандида» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 13-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «ёки якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

з) 14-банддаги, 28-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 32-банднинг биринчи хатбошидаги «ва якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

и) 17-банднинг биринчи хатбошидан «ёки якка тартибдаги тадбиркорга» сўзлари чиқариб ташлансин;

к) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга берганлик учун — юридик шахсдан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди йиғим ундирилади.

Ундирилган йиғим суммаси Асиллик даражасини белгилаш палатаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш рад этилганда, шунингдек ариза берган берилган аризасини рад этган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилади.»

л) 26-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ва якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

м) 27-банддаги «ва якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

н) 29-банднинг учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

о) 30-банднинг биринчи хатбошидаги ва 36-банддаги «ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

п) 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ёки қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари билан чакана савдо қилишга узайтирганлик учун — юридик шахсдан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

Йиғим суммаси Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.»;

р) 33-банднинг иккинчи хатбошидаги «ёки якка тартибдаги тадбиркорга» ва «ва якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

с) 35-банддаги «ёки якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

т) 40-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ва якка тартибдаги тадбиркорлар» ва «(якка тартибдаги тадбиркорлар учун — фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти маълумотлари, почта манзили ва фаолият кўрсатадиган жойининг манзили, телефони)» сўзлари чиқариб ташлансин;

у) 41-банддаги «ва якка тартибдаги тадбиркор» сўзлари чиқариб ташлансин;

ф) 42-банд чиқариб ташлансин;

х) 3-иловадаги «(якка тартибдаги тадбиркор учун — Ф.И.Ш.)»,

«(якка тартибдаги тадбиркор учун — уй манзили)», «ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

ц) 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015., 1-сон, 9-модда) илованинг 51-бандидаги «в» кичик банди чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1057 **Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қим-
матбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПҚ–3199-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2017 йилнинг 1 октябридан амалга киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 сентябрь,
778-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 сентябрдаги 778-сон қарорига
ИЛОВА

**Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо
металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПҚ–3199-сон қарорига мувофиқ заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 4 октябрда эълон қилинган.

2. Олтин ва кумуш (кейинги ўринларда қимматбаҳо металллар деб аталади) қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмлар (кейинги ўринларда заргарлик буюмлари деб аталади) ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги берадиган (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) лицензияга эга юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги ўринларда заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар деб аталади) томонидан сотиб олинади.

3. Қимматбаҳо металллар пластиналари заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага асосан сотилади.

4. «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси (кейинги ўринларда «Фонон» ДИЧК деб аталади) Агентлик томонидан тақдим этиладиган қимматбаҳо металллардан қайта ишлаш асосида қимматбаҳо металллар пластиналарининг ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

2-боб. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларига қимматбаҳо металлларни сотиш механизми

5. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар тижорат банкларига ушбу Низомга 1-иловада назарда тутилган муддатларда ҳамда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда қимматбаҳо металлларнинг керакли ҳажмларини кўрсатган ҳолда буюртманомалар тақдим этади. Бунда буюртманоманинг энг кам миқдори 100 граммдан кам бўлмаслиги зарур.

Тижорат банки заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи буюртманомани тақдим этишда «Лицензия» (www.license.uz) ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда унинг заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун лицензиясини текширади ва қабул қилинган буюртманомани ундаги маълумотларни қайд этган ҳолда алоҳида рўйхатга олиш дафтарига киритади.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металлларнинг буюртманомада қайд этилган миқдорини сотиб олиш учун зарур маблағларни тижорат банкида ушбу Низомнинг 14-15-бандларига мувофиқ депозитга қўяди.

6. Бош тижорат банклари заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг буюртманомаларидан келиб чиқиб, ҳар ойнинг биринчи ва/ёки учинчи сешанба кунлари соат 12:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (кейинги ўринларда Марказий банк деб аталади) ва Агентликка керакли миқдордаги қимматбаҳо металлларни сотиб олиш учун жамланган буюртманомаларни ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тақдим этади.

Ойнинг биринчи ёки учинчи сешанба кунлари байрам кунига тўғри келадиган бўлса, бош тижорат банки буюртманомаларни кейинги иш кунида тақдим этади.

7. Марказий банк бош тижорат банкидан жамланган буюртманомаларни олгандан кейин икки иш куни давомида ва сотиладиган қимматбаҳо ме-

таллар пластиналарининг ҳақиқий оғирлиги тўғрисида Агентлик ахбороти асосида бош тижорат банкига тўлов ҳисоб-фактурасини тақдим этади.

8. Бош тижорат банки Марказий банк тўлов ҳисоб-фактурасини тақдим этган санадан икки иш куни давомида қимматбаҳо металллар учун тўловни тўлиқ амалга оширади.

Бош тижорат банки тўловни амалга оширгандан сўнг Марказий банк ва Агентликка тўловни амалга оширган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар бўйича қимматбаҳо металллар миқдори, қимматбаҳо металллар пластиналарини қабул қилиш ваколоти берилган эга моддий жавобгар шахс ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами) кўрсатилган ва тижорат банкининг қимматбаҳо бойликларни олиш учун ишончномаси илова қилинган хатни юборади.

9. Марказий банк тўлови амалга оширилган тегишли миқдордаги қимматбаҳо металллар пластиналарини тақдим этиш ҳақида Агентликка топшириқ беради.

10. Агентлик Марказий банк топшириғи асосида бош тижорат банкларига тегишли миқдордаги қимматбаҳо металлларни тақдим этади.

11. Тижорат банклари заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга уларнинг буюртманомалари асосида сотиб олинган қимматбаҳо металлларни Агентликдан олинган кундан бошлаб беш кун давомида беради.

Тижорат банклари қимматбаҳо металлларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда транспортировка қилади.

12. Марказий банк ва бош тижорат банклари, шунингдек тижорат банклари ва заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида қимматбаҳо металлларни сотиш бўйича операциялар алоҳида шартномалар асосида амалга оширилади.

3-боб. Қимматбаҳо металллар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

13. Марказий банк оғирлиги 100 грамм бўлган пластиналар шаклидаги қимматли металлларни олдиндан тўлиқ тўлаш шarti билан миллий валютада сотади.

14. Қимматбаҳо металл баҳоси тижорат банки Марказий банкка буюртманомани тақдим этган кунда амал қилинган Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг эрталабки фиксинг нархи ва Марказий банк курси асосида унинг соф оғирлиги ва тижорат банкларида депозитга қўйилган маблағлар миқдори бўйича ҳисобланади.

Қимматбаҳо металл баҳоси ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ ҳисоб-китоблар асосида белгиланади.

15. Тижорат банкининг талабига асосан депозитга қўйиладиган маблағ миқдори заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи томонидан Марказий банк тақдим этган ва қимматбаҳо металллар пластиналарининг аниқ оғирлигидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган тўлов ҳисоб-фактурасига асосан

тўлдирилиши ҳамда қимматбаҳо металлнинг буюртма берилган миқдорини сотиб олишга етарли бўлиши керак. Депозитга қўйиладиган маблағ миқдори ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ тижорат банкининг маржаси ва 17-бандига асосан Марказий банкка тўланадиган воситачилик ҳақи ҳам киритилади.

Қимматбаҳо металлларни сотиб олиш учун депозитга қўйилган маблағ миқдори етарли бўлмаса, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг буюртманомаси бекор қилинади.

16. Тижорат банклари қимматбаҳо металлларни заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга кейинчалик олиб сотиш ҳуқуқисиз сотади, ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда тижорат банклари қимматбаҳо металллар ҳисобини тегишли ҳисоб-варақларда юритади ва заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилардан сотиладиган қимматбаҳо металл қийматининг 1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда маржа олади.

17. Бундан ташқари, тижорат банклари заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилардан сотилган қимматбаҳо металллар қийматининг 1 фоизи миқдорида воситачилик ҳақини ушлаб қолади ва кейинчалик ушбу воситачилик ҳақи Марказий банкка қимматбаҳо металллар пластиналарини ишлаб чиқариш (қайта ишлаш, транспортировка қилиш, сақлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун тўланади.

18. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятини тўхтатганда, у ушбу Низомга мувофиқ сотиб олинган ва фойдаланилмай қолган қимматбаҳо металлларни Агентликни хабардор қилган ҳолда, бошқа заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчисига сотиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Яқуний қоидалар

19. Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асслик даражасини белгилаш палатаси ва давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиб олинган қимматбаҳо металллардан мақсадли фойдаланишни назорат қилади.

20. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун сотиб олинган қимматбаҳо металллардан мақсадли фойдаланиш учун шахсан жавоб беради.

21. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш
учун қимматбаҳо металлларни сотиш ва
ҳисоб-китобларни амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар учун
қимматбаҳо металлларни сотиш
СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1- босқич	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар	Буюртманомалар тижорат банкларига қимматбаҳо металлларнинг керакли миқдори кўрсатилган ҳолда тақдим этилади	Буюртманомалар ҳафтанинг иш кунларида тақдим этилади
2- босқич	Бош тижорат банки	Жамланган буюртманомани Марказий банк ва Қимматбаҳо металллар агентлигига тақдим этиш	Сешанба соат 12:00 гача
	Марказий банк ва Қимматбаҳо металллар агентлиги	Тижорат банкларининг жамланган буюртманомаларини қабул қилиш	
3- босқич	Марказий банк	Сотилиши кўзда тутилган қимматбаҳо металллар пластиналарининг ҳақиқий оғирлиги тўғрисида Агентлик ахбороти асосида бош тижорат банкка тўлов ҳисоб-фактураси тақдим этилади	Чоршанба
	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар	Тижорат банкида керакли миқдорда депозит маблағларни сақлаш	Тижорат банки тўловни амалга оширгунича
4- босқич	Бош тижорат банки	Етарли миқдордаги маблағларни депозитга қўйган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг буюртманомалари учун Марказий банкка тўловни амалга ошириш. Тўловни амалга оширгандан сўнг сотиб олинган қимматбаҳо металллар миқдори ҳақидаги ахборот буюртманомалари қаноатлантирилган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар бўйича кўрсатилган ҳолда Марказий банк ва Агентликка хат юбориш	Пайшанба-жума Тўлов амалга оширилган кунда
5- босқич	Қимматбаҳо металллар агентлиги	Тижорат банкларига тегишли миқдордаги қимматбаҳо металлларни бериш	Душанба
	Бош тижорат банки	Қимматбаҳо металллар агентлигидан қимматбаҳо металллар пластиналарини олиш	
6- босқич	Бош тижорат банки	Буюртманомалари қаноатлантирилган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металллар пластиналарини сотиш	Душанба — жума*
	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар	Тижорат банкларида қимматбаҳо металллар пластиналарини сотиб олиш	

Изоҳ:

* Муддат қимматбаҳо металллар пластиналарини бош тижорат банкдан уларнинг ҳудудий филиалларига етказиб бериш учун сарфланадиган вақт эътиборга олинган ҳолда белгиланган.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун
қимматбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо
металлар пластиналарини сотиб олиш учун
БУЮРТМАНОМА**

Буюртманома тақдим этилган сана	
Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг номи	
Лицензия рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати	
Қимматбаҳо металл номи	
Қимматбаҳо металл ҳажми, граммда	

Харидорнинг реквизитлари:
Юридик манзил:
Банк реквизитлари:

Раҳбар _____
(имзо) _____
Сана

Банк қайдлари:	
Буюртманома ҳисобга олинган рақам	№ _____
Банк ходимининг исми-шарифи	

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун
қимматбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга кейинчалик
сотиш учун (банк номи*) томонидан қимматбаҳо металллар
пластиналарини харид қилиш бўйича жамланган
БУЮРТМАНОМА**

Т/р	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг номи	Лицензия рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати	Қимматбаҳо металл номи	Қимматбаҳо металл ҳажми (граммда)
1.				
2.				
...				
Жами (металл ҳажми)				

Раҳбар

(Ф.И.О. имзо)

Бош бухгалтер

(Ф.И.О. имзо)

Изоҳ:

* Жамланган буюртманома бош тижорат банки томонидан Марказий банк ва Қимматбаҳо металллар агентлигига юборилади.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш
 учун қимматбаҳо металлларни сотиш ва
 ҳисоб-китобларни амалга ошириш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 4-ИЛОВА

Қимматбаҳо металл қийматининг ҲИСОБ-КИТОБИ*

1. 1 грамм қимматбаҳо металлнинг баҳоси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$P_{G/UZS} = ((P_w / Y) * E_{CB})$ вергулдан сўнг икки касрли хонага қадар яхлитланади

бунда:

$P_{G/UZS}$ — бир грамм учун сўмдаги нарх;

P_w — Лондон қимматбаҳо металллар биржасидаги эрталабки фиксинг нархи (долл./тр. унц.);

Y — бир трой унциясининг метрик граммдаги эквиваленти (1 тройунцияси = 31,1035 грамм);

E_{CB} — 1 АҚШ доллари учун Марказий банкнинг сўмга нисбатан ўрнатилган курси.

2. Сотиб олинган қимматбаҳо металлнинг умумий қиймати қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$\Sigma = (V * P_{G/UZS})$ вергулдан сўнг икки касрли хонага қадар яхлитланади

бунда:

Σ — қимматбаҳо металл учун сўмда тўланадиган қиймат;

V — қимматбаҳо металлнинг граммдаги оғирлиги;

$P_{G/UZS}$ — бир грамм учун сўмдаги нарх.

* Заргарлик буюмларини ишлаб чиқувчи буюртма берилган миқдордаги қимматбаҳо металл пластиналарини сотиб олишда тижорат банкига қимматбаҳо металл қийматининг 1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда маржани ҳамда қимматбаҳо металл қийматининг 1 фоизи миқдорида воситачилик ҳақини тўлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1058** **Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Бозор иқтисодиёти ва замонавий корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари талабларига мувофиқ ишчилар касблари ва хизматчилар лавозимларини таснифлашнинг норматив базасини янада такомиллаштириш, унинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида янги формациядаги кадрлар тайёрлаш тизими билан ўзаро боғлиқлигини, шунингдек касб-хунар таълими шакллари ва дастурларининг турличалигини ҳисобга олган ҳолда кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янги-ланган классификатори иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилансинки:

касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишчи касблари бўйича давлат ташкилотларига, шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларга ишга қабул қилишга, уларга бажариладиган ишларининг турига ва тарификация натижасига кўра камида учинчи малакавий разряд берилади;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига мувофиқ ходимларнинг меҳнат дафтарчалари ва ташкилотларнинг меҳнатга оид муайян ҳужжатларидаги 2017 йил 1 ноябргача амалга оширилган ёзувлар ўз кучини сақлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва илмий марказларнинг асосланган таклифларидан келиб чиқиб, шунингдек меҳнат бозорида янги касблар ва лавозимлар пайдо бўлишини ҳисобга олиб Классификаторга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, касб-хунар коллежларида ишчи касблари бўйича тайёрланадиган мутахассисларнинг малакаси камида учинчи малакавий разрядга мувофиқлиги таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

мазкур қарор билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 11 октябрда эълон қилинган.

ри ва ишчилар касблари классификатори асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори ва Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар классификатори мунтазам равишда мувофиқлаштирилиши ва уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши таъминлансин;

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори ва Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар классификатори халқаро стандарт таълим классификацияси (МСКО-2011)га мувофиқлаштирилсин;

6. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари уч ой муддатда хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчилар касблари тармоқ тариф-малака маълумотномаларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритсинлар ва маълумотноманинг бир нусхасини (қоғозда ҳамда электрон шаклда), маълумотлар базасини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юборсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 19 июлдаги 164-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 6-сон, 48-модда) 2017 йил 1 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А. Хаитов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Мажидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 октябрь,
795-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарорига
ИЛОВА

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари КЛАССИФИКАТОРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг ушбу классификатори (кейинги ўринларда ХАЛИКК-2017 деб аталади) хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларини тизимлаштириш, ишчиларнинг малака разрядлари диапазонини ва хизматчиларнинг лавозимлари тоифаларини белгилаш, шунингдек таълимнинг йўналиши ва даражасига қўйиладиган талабларни аниқлаш учун мўлжалланган.

ХАЛИКК-2017 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ўрнига ишлаб чиқилган.

2. Ушбу ХАЛИКК-2017 дан:

турли ҳуқуқий шаклдаги ташкилотларнинг меҳнат шартномалари ва штат жадвалларини тузишда, ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувларни киритишда, меҳнат шартномалари бўйича буйруқларни расмийлаштиришда, лавозимлар ва касбларни ходимларнинг тегишли тоифаларига киритишда, пенсияга доир имтиёзлар ҳуқуқини аниқлашда хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчиларнинг касблари номларини стандартлаштириш ва бирхиллаштириш;

ходимларнинг малака тоифасини ҳисобга олган ҳолда кадрларни самарали равишда жой-жойига қўйиш;

ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ҳозирги даражасидан ва ривожланиши истиқболларидан келиб чиқиб, замонавий бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган кадрларни аниқ мақсадни кўзлаб тайёрлаш;

турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ташкилотларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини тузиш;

меҳнатни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва унинг статистикасини юритиш; ходимлар билан ишлашни ташкил этиш соҳасида ахборотни қайта ишлаш;

банд аҳолини фаолият (машғулот) турлари бўйича тақсимлаш; халқаро даражада ижтимоий-меҳнат соҳасидаги статистика маълумотларини таққослаш учун фойдаланилади.

Классификатор, шунингдек, тармоқ тариф-малака маълумотномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

3. Ишчилар касблари ва хизматчилар лавозимлари ХАЛИКК-2017 нинг таснифлаш объектлари ҳисобланади.

4. Ушбу ХАЛИКК-2017:

хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланиш юзасидан — ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувларни қайд этишда, меҳнат шартномалари тузишда, буйруқларни расмийлаштиришда, хизматчиларнинг лавозимларини ходимлар тоифаларига киритишда мажбурий ҳисобланади;

ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака разрядларини белгилаш юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда давлат ташкилотлари деб аталади), ҳўжалик бошқаруви органларида, шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда қўлланилиши мажбурий ҳисобланади, бошқа ташкилотлар учун эса — тавсия хусусиятига эга.

таълим йўналиши юзасидан — барча ташкилотлар учун тавсия хусусиятига эга.

5. ХАЛИКК-2017да тегишли тарифлар билан биргаликда қуйидаги асосий атамалардан фойдаланилади:

а) хизматчи лавозими — ходимнинг функционал вазифалари, лавозим ҳуқуқлари ва жавобгарлик хусусияти билан белгиланадиган унинг хизмат мавқеи;

б) ишчи касби — касбга ўқиш ёки амалиёт натижасида эгалланган жами билимлар ва кўникмалар билан белгиланадиган ишчининг меҳнат фаолияти тури;

в) хизматчилар — ташкилотда ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришни, ҳисоб ва назоратни, бошқарув функцияларини, шунингдек ҳўжалик хизматини амалга оширадиган лавозимни эгаллаган мутахассислар;

г) мутахассислар — ишлаб чиқариш ва маъмурий жараёнларни режалаштирувчи, лойиҳалаштирувчи ва назорат қилувчи, мураккаб техникага хизмат кўрсатувчи, ҳужжатларни ишлаб чиқувчи, ходимларни бошқарувчи, ташкилот фаолияти жараёнларини, шу жумладан, уларга фармойиш берувчи ваколатлар берилмаган ҳолда тартибга солувчи, таълим берувчи ва соғломлаштирувчи, ижодий ва илмий фаолиятни, шу жумладан, бошқа ўзига хос функцияларни амалга оширувчи ходимлар. Мутахассислар бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига тегишли бўлиши, фармойиш бериш ва ижро этиш функцияларини бажаришлари мумкин;

д) ишчилар — меҳнат қуроли ёрдамида меҳнат жараёнида ишлов берилиши керак бўлган материалларга (меҳнат предметига) таъсир кўрсатадиган, асосан жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган, маҳсулот яратадиган, машиналарни кузатадиган, созлайдиган ва сақлайдиган, меҳнат предметлари жойини ўзгартирадиган, меҳнатнинг нормал шароитларини сақлаб турадиган, товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланадиган бошқа функцияларни бажарадиган ходимлар;

е) ходимлар тоифаси — хизматчининг меҳнати мазмунининг тавсифлари ва кўрсаткичлари тизими:

бошқарув ходимлари — бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чикувчи ва қабул қилувчи, ташкилот фаолиятини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва жараёнларни тартибга солувчи, зарур қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тайёрловчи ходимлар. Бошқарув ходимлари ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадлар ва вазифаларга эришиши учун зарур ташкилий-техник шартларни, юкланган функциялар ва ишлаб чиқариш дастурлари бажарилишини таъминлайдилар. Бошқарув ходимлари раҳбарларга ва бошқарув ходимлари мутахассисларига бўлинади;

ишлаб чиқариш ходимлари — ташкилотнинг асосий маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш, шунингдек ишлаб чиқариш дастурида белгиланган қўшимча маҳсулотлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлари. Ишлаб чиқариш ходимлари таркибига ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган мутахассислар ҳам киради;

техник ходимлар — функциясига бошқарув ходимлари фаолиятига техник хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни таъминлаш ишларини бажариш (нашр этиш, кўпайтириш ва архив ишларини бажариш, кутубхона иши, ҳужжатларни етказиб бериш, компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, идора, котиблик ишларини ва бошқа ишларни бажариш) кирадиган ходимлар;

хизмат кўрсатувчи ходимлар — функциясига бинолар ва ҳудудларга техник хизмат ва хўжалик хизмати кўрсатиш, уларни кўриқлаш, бошқарув ходимларига транспорт хизмати кўрсатиш, ташкилотнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига хизмат кўрсатиш бўйича бошқа ишлар, шу жумладан, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш кирадиган ходимлар. Хизмат кўрсатувчи ходимларга мутахассислар ва ишчилар тоифасига мансуб бўлмаган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам киради;

ж) ходим маълумотининг энг паст даражасига қўйиладиган талаблар — «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хизматчи ёки ишчи касби бўйича ишга киришда, қоидага кўра, бажариладиган ишлар ва функционал вазифаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб талаб қилинадиган маълумотнинг энг паст даражаси. Ишга қабул қилишда маълумот йўналишига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатлари талаблари ҳисобга олинган ҳолда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва ташкилотлар томонидан белгиланиши мумкин;

з) ишчиларнинг малакавий разрядлари диапозони — ишчи томонидан бажариладиган фаолиятнинг аниқ турига хос бўлган ишларнинг энг паст разрядидан энг юқори разрядигача бўлган оралик. Тариф разрядларининг диапозонида белгиланган аниқ тариф разрядлари ишнинг мураккаблигини ва унинг учун талаб этиладиган ишчи малакасини белгилайди;

и) таълим йўналиши — таълим муассасасида битирувчи томонидан тегишли даражадаги таълим дастури бўйича эгалланган ва улар томонидан касбий ёки лавозим фаолиятининг муайян тури бажарилишини таъминлайдиган базавий ва фундаментал билимлар, ўқув ва кўникмалар йиғиндиси.

2-боб. ХАЛИКК-2017нинг тузилмаси

6. Ушбу ХАЛИКК-2017 қуйидаги бўлимлардан иборат:

1-бўлим — «Ишчиларнинг асосий касблари таснифи» — Ишлар ва ишчи касблари ягона тариф-малака маълумотномасига мувофиқ ишчилар касбларининг, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу ХАЛИКК-2017га 1-иловага* мувофиқ иқтисодиёт тармоқларида касблар таркибини тартибга солувчи уставлар, махсус иловалар ва тегишли қарорларда назарда тутилган ишчилар касбларининг номларини ўз ичига олади;

2-бўлим — «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари таснифи» — иқтисодиётда ва ушбу ХАЛИКК-2017га 2-иловада* кўрсатилган ташкилотларнинг ташкилий-таркибий схемаларида қўлланиладиган фаолият номларини ўз ичига олади.

7. 1-бўлим ишчилар касбларининг тартиб рақамларини уларнинг ортиб бориши тартибида, алифбо бўйича ишчилар касблари номларини ва Ўзбекистон Республикаси Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича уларга мувофиқ кодларни (кейинги ўринларда ММСК деб аталади), малакавий разрядлари диапазонларини (кейинги ўринларда МРД деб аталади), Ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассисликларини тайёрлаш йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори (кейинги ўринларда ЎМКТМТЙМК деб аталади) бўйича кодларни ўз ичига олади.

1-бўлимнинг жадвали қуйидаги шаклга эга:

Т/р	Касбнинг номи	ММСК бўйича код	МРД	Таълимнинг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙМК бўйича код
-----	---------------	-----------------	-----	------------------------------	----------------------

8. 2-бўлим хизматчилар лавозимларининг тартиб рақамларини уларнинг ортиб бориши тартибида, алифбо бўйича хизматчиларнинг лавозимлари номларини ва уларга мувофиқ бўлган ММСК кодларини, ходимларнинг тоифалари кодларини, таълимнинг энг паст даражасини, шунингдек ЎМКТМТЙМК ҳамда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори (кейинги ўринларда ОТЙМК деб аталади) бўйича кодларни ўз ичига олади.

2-бўлимнинг жадвали қуйидаги шаклга эга:

Т/р	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Таълимнинг энг паст даражаси	ОТЙМК бўйича код
-----	-----------------	-----------------	------------------	------------------------------	------------------

9. ММСК касблари ва йўналишлари кодлари Халқаро меҳнат ташкилотининг Машғулотларнинг халқаро стандарт классификатори ISCO-88 га мувофиқдир ва тўртта рақамдан иборат бўлади:

- биринчи рақам ўзида йириклаштирилган гуруҳни ифодалайди;
- иккинчи рақам кичик гуруҳни ифодалайди;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

- учинчи рақам таркибли гуруҳни ифодалайди;
- тўртинчи рақам базавий гуруҳни ифодалайди.

Масалан:

Код	2	Асосий гуруҳ: мутахассислар — профессионаллар			
Код	2	1	Кичик гуруҳ: физика, математика ва техника фанлари соҳасида мутахассислар — профессионаллар		
Код	2	1	3	Кичик гуруҳ: компьютерлар бўйича мутахассислар — профессионаллар	
Код	2	1	3	1	Бошланғич: тизимларнинг ишлаб чиқувчилари ва таҳлилчилари

10. Ишчилар касблари малака разрядларининг диапазони (МРД) белгиланган тартибда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган Ишчилар касбларининг ягона тариф-малака йўриқномаларига ҳамда тармоқ тариф-малака йўриқномалари ишчиларнинг касблари бўйича уларнинг мураккаблигига кўра (меҳнат шароитларини ҳисобга олмасдан) ишчилар касблари бўйича ишларнинг энг кам ва энг юқори разрядларини «1» дан «8» гача ораликда белгилайди, бунда: «1» разряд — ходимдан паст малакани талаб қиладиган энг оддий ишларни, «8» разряд эса — ишчидан энг юқори касбий малакани ва тажрибани талаб қиладиган алоҳида мураккаб ва ноёб иш турларини ифодалайди. Аксарият ҳолларда ишчининг энг юқори малака разряди олтинчи разряддан ошмайди.

Айрим ишчи касблари бўйича малакавий разрядлари диапазони аниқланмайди (тегишли устунда «-» белги билан белгиланади).

11. ЎМҚТМТЙМК ва ОТЙМК бўйича кодлар Таълимнинг халқаро стандарт классификациясига асосланган ва еттита рақамдан иборат:

— биринчи рақам таълим дастурининг даражаси кодини белгилайди: «3» коди — ўрта махсус касб-хунар таълими, «5» ва «5А» кодлари — тегишли равишда «бакалавр» ва «магистр» академик даражалари учун; «2» ва «1» кодлари — тегишли равишда, шу жумладан, ишлаб чиқаришда («2») ва махсус касбий тайёргарликни талаб этмайдиган («1») қисқа муддатли касб тайёргарлиги даражаси учун;

- иккинчи рақам — билимлар соҳаси коди;
- учинчи рақам — таълим соҳаси коди;
- тўртинчи ва бешинчи рақамлар — таълим йўналиши коди;
- олтинчи ва еттинчи рақамлар — мутахассисликлар коди (ОТЙМКда кўрсатилмаган мутахассисликлар кодлари «00» рақамлари билан белгиланади).

Масалан:

Код	3	Таълим даражаси — ўрта махсус касб-хунар таълими				
Код	3	2	Билим соҳаси — гуманитар фанлар ва санъат			
Код	3	2	1	Таълим соҳаси — санъат		
Код	3	2	1	02	Таълим йўналиши — саноат турлари бўйича санъатшунослик	
Код	3	2	1	02	06	Мутахассислик — музей ходими

ХАЛИКК-2017 да кўрсатилган ҳар бир касб ёки лавозимга ОТЙМК ва ЎМКТМТЙМК бўйича бир ёки бир неча кодлар мувофиқ бўлиши мумкин.

2-бўлимда хизматчиларнинг айрим лавозимлари бўйича, «ОТЙМК ва ЎМКТМТЙМК бўйича код» устунда «5Ахххххх» коди кўрсатилган, у Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига мувофиқ «Магистр» даражасини англатади.

Изоҳ: «хххххх» белгилари 0 дан 9 гача бўлган исталган сонни билдиради.

«ЎМКТМТЙМК, ОТЙМК бўйича код» устунда «-» белгиси кўрсатилган ҳолатларда маълумоти йўналишига нисбатан талаблар қўйилмайди.

12. Ходимларнинг хизматчилар лавозимларига тегишли тоифалари қуйидаги қисқартмалар билан белгиланган:

Б — бошқарув ходимлари;

М — мутахассислар;

Т — техник ходимлар;

Х — хизмат кўрсатувчи ходимлар;

И — ишлаб чиқариш ходимлари.

13. Маълумотининг энг паст даражаси қуйидаги қисқартмалар билан белгиланган:

О/М — олий маълумотли, у «бакалавр» ва «магистр» даражаларини ўз ичига олади;

ЎМКХТ — ўрта махсус, касб-хунарга доир маълумотли;

ТҚ — маълумоти даражасига талаб қўйилмайди.

3-боб. ХАЛИКК-2017ни қўлланиш хусусиятлари

14. Хизматчиларнинг айрим лавозимлари бажариладиган функцияларга кўра бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига тегишли бўлиши мумкин.

Агар давлат ва хўжалик бошқаруви органи тузилмасида ишлаб чиқариш бўлинмалари ажратиб кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ходимларнинг «Мутахассислар» тоифасига киритилган лавозимлар бошқарув ходимларига тенглаштирилади, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда истисно шаклида кўрсатилган айрим лавозимлардан ташқари.

15. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг нормативдаги сонини аниқлашда техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг айрим лавозимлари ва касблари ишлаб чиқариш ходимлари жумласига киритилиши мумкин, агар ушбу лавозимлар ва касблар мазкур давлат ва хўжалик бошқаруви органининг ишлаб чиқариш бўлинмалари штатлар тузилмасига киритилган бўлса.

16. Хизматчиларнинг айрим лавозимлари ва ишчиларнинг касблари бўйича ХАЛИКК-2017 да кўрсатилмаганлар белгиланиши мумкин:

а) ҳосила лавозимлар ва касблар, шу жумладан:

ишчилар касблари бўйича — «катта» ва «ёрдамчи»;

хизматчилар лавозимлари бўйича — ўринбосар, ёрдамчи, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, бош, етакчи, катта, кичик, олий маълумотли.

мотли, ўрта махсус маълумотли, касб-хунарга доир маълумотли, сменали, бригадали, вилоят, туман, участка, кон ва ҳоказо.

Хизматчиларнинг айрим лавозимлари бўйича ҳосила лавозимлар бир лавозим доирасида ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Ҳосила лавозимни (касбни) белгилашда ходимларнинг лавозим вазифаларини бажаришдаги мустақиллиги даражаси, унинг қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилиги юзасидан жавобгарлиги, ташаббускорлиги, меҳнатининг самарадорлиги ва сифати, шунингдек амалий фаолияти тажрибаси ҳисобга олинади.

Ҳосила лавозимларга ва касбларга ХАЛИКК-2017 да кўрсатилган лавозимлар ва касблар бўйича фаолият мазмуни хусусиятларини аниқлаштириш йўли билан ҳосил қилинган лавозимлар ва касблар ҳам киритилади. Ушбу ҳолатда унинг асосида ушбу ҳосила лавозим (касб) ҳосил қилинган ХАЛИКК-2017 да кўрсатилган лавозим (касб) классификация объекти ҳисобланади;

б) лавозимнинг малака тоифалари: олий, биринчи, иккинчи, учинчи.

Хизматчиларнинг лавозимлари бўйича малака тоифалари, қоидага кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиладиган аттестация натижалари бўйича белгиланади;

в) класслиги ва класс даражалари.

Улар бўйича класслилик ва класс даражалари белгиланадиган лавозимлар рўйхати, шунингдек уларни белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

17. 2-бўлимнинг «Лавозимнинг номи» устунида хизматчиларнинг айрим лавозимлари бўйича такрорланадиган (эквивалент) ном кўрсатилган.

Масалан:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМҚТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
	Кимё-лабораторияси бошлиғи (мудир)	1239	У	О/М	5320300

Ушбу ҳолатда ташкилотларнинг меҳнат шартномаларини ва штат жадвалларини тузишда, ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувларни киритишда, меҳнат муносабатлари бўйича буйруқларни расмийлаштиришда, лавозимлар ва ходимларнинг тегишли тоифаларига киритишда, пенсия имтиёзларига бўлган ҳуқуқни аниқлашда лавозимнинг тўғри номи ҳам асосий, ҳам такрорланадиган (эквивалент) ном ҳисобланади.

18. Ишга қабул қилишда талаб қилинадиган маълумотнинг энг паст даражасини белгилашда:

олий таълим муассасаларини «бакалавр» ва «магистр» даражаси билан тамомлаган шахслар олий маълумотли ходимлар жумласига киритилади;

академик лицейларни ва касб-хунар коллежларини, техникумларни, касб-хунар-техника, тиббиёт, педагогика ёки бошқа билим юртларини тамомла-

ган шахслар ўрта махсус касб-ҳунар маълумотига эга ходимлар жумласига киритилади.

19. Айрим ҳолатларда классификаторда белгиланган маълумотнинг энг паст даражасига ёки йўналишига эга бўлмаган, лекин етарли даражада амалий тажрибага эга бўлган, ўзларига юкланган лавозим вазифаларини тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарадиган ходимлар маълумотнинг тегишли даражасини ёхуд маълумотнинг бошқа йўналишини талаб қиладиган лавозимга қабул қилиниши мумкин, агар қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса.

20. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан айрим ишчи касбларига аввал ўрнатилган тартибда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ корхоналарда қўлланаётган ишларнинг разрядлари 1-бўлимнинг «МРД» устунда кўрсатилгандан юқорироқ ўрнатилган бўлса, аввал ўрнатилган ишчи касбларининг малакавий разряд диапазонлари сақлаб қолинади.

4-боб. ХАЛИКК-2017га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

21. ХАЛИКК-2017га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (актуаллаштириш) вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар (кейинги ўринларда фойдаланувчилар деб аталади) таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

ХАЛИКК-2017ни актуаллаштириш учун фойдаланувчилар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги номига куйидаги маълумотлар илова қилинган буюртманомани юборадилар:

а) ХАЛИКК-2017га киритиш ёки ХАЛИКК-2017 дан чиқариб ташлаш учун тавсия этилаётган лавозимлар ва касбларнинг номи;

б) киритиш учун тавсия этилаётган ҳар қайси касб ва лавозим бўйича: тариф-малака тавсифномаларининг ёки фаолият мазмунининг тавсифи; ХАЛИКК-2017да кўрсатилган кодлар, шу жумладан ММСК, ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича кодлар, ишчилар касблари учун — разрядлар диапазони ва хизматчилар лавозимлари учун — ходимларнинг тоифаси;

в) ҳар қайси касб ёки лавозимни ХАЛИКК-2017 га киритишнинг ёки ХАЛИКК-2017 дан чиқариб ташлашнинг зарурлиги асосланган тушунтириш хати.

22. ХАЛИКК-2017 актуаллаштириш бўйича берилган буюртманомалар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 3 ой мобайнида, экспертларни жалб этган ҳолда кўриб чиқилади. Тавсия этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар қабул қилинган тақдирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ХАЛИКК-2017 га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

белгиланган тартибда буйруқ чиқаради, рад этилган тақдирда эса — фойдаланувчига асосланган рад этиш хатини юборади.

ХАЛИКК-2017га киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тегишли буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб кучга киради.

23. Агар ходимларнинг меҳнат дафтарчаларида ёки ташкилотнинг меҳнат муносабатларини белгиловчи маҳаллий ҳужжатларида ХАЛИКК-2017 да мавжуд бўлмаган касблар ва лавозимлар кўрсатилган бўлса ёки бирор-бир белгилари бўйича ХАЛИКК-2017 да кўрсатилган касблар ва лавозимларга мувофиқ бўлмаган касблар ва лавозимлар кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ушбу касблар ва лавозимларнинг ХАЛИКК-2017 да кўрсатилганларга ўхшашлигини белгилаши мумкин. Ушбу ҳолатда ХАЛИКК-2017 га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинмайди.

5-боб. Норматив ҳаволалар

24. ХАЛИКК-2017 доирасида қуйидаги норматив ҳаволалардан фойдаланилади:

О'z DSt 6.01.2:2007. Ўзбекистон Республикасининг техник-иктисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаштириш ягона тизими. Классификаторларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби;

О'z DT 008:2000. Ўзбекистон Республикасининг машғулотлар миллий стандарт классификатори;

Олий таълим давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандарти. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи;

Машғулотларнинг Халқаро Стандарт Классификатори (МХСК-88);

Таълимнинг Халқаро Стандарт Классификацияси (ТХСК), ЮНЕСКО, 1997 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1059 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3268-сон қарорини бажариш, ишсиз шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига кенг жалб этиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси Васийлик кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланадиган Жамоат ишларига банд бўлмаган аҳолини босқичма-босқич жалб этиш жадвали 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ижро этувчи дирекцияси тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

2. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш учун буюртмалар қуйидаги иш берувчилар томонидан берилади, жумладан:

бюджет ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 9 октябрда эълон қилинган.

ри томонидан — жамоат ишларига жалб қилинган ишсиз ва банд бўлмаган шахсларнинг иш ҳақи бўйича тўловлар 100 фоиз миқдорида;

бошқа ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан — жамоат ишларига жалб қилинган ишсиз ва банд бўлмаган шахсларнинг иш ҳақи бўйича 50 фоиз миқдорида тўланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Жамғармани тасдиқланган тузилмасига мувофиқ малакали кадрлар билан шакллантирилишини икки ой муддатда таъминласин.

4. «Ўзавтосаноат» АЖ Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этадиган фуқароларни ташиш учун, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга оширишни мувофиқлаштирадиган ҳар бир туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази эҳтиёжлари учун «Damas» автомашиналарини 100 фоиз олдиндан тўлов шартлари асосида етказиб беришни таъминласин.

5. Жамғарма Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 37-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамғармани белгиланган тартибда ҳукумат ва шаҳар алоқа воситалари билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарманинг Васийлик Кенгаши ва Ижро этувчи дирекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

8. Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини кенг жалб этиш асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини манзилли ва тизимли равишда ташкил этиш, Республиканинг ҳар бир маҳалласида ишсиз фуқароларни қамраб олган ҳолда тўланадиган жамоат ишлари дастурининг сифатли, тўлиқ ва самарали бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 19 июлдаги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 октябрь,
799-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари
жамғармаси Васийлик кенгашининг
ТАРКИБИ**

- Қўчқоров Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Кенгаш раиси
- Хаитов А.А. — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, *Кенгаш раисининг ўринбосари*
- Хайдаров А.Я. — Молия вазирининг биринчи ўринбосари
- Бекенов С.Х. — Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари
- Азимов Д.С. — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари
- Низомов Б.М. — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринбосари
- Хамраев Ш.Р. — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари
- Абдувалиев А. А. — Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси
- Рафиқов К.М. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
- Жавлонов Ш.С. — «Маҳалла» хайрия жамғармаси кенгаши раиси
- Юсупов Б.Т. — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси
- Лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси раиси, *Кенгашнинг масъул котиби*.

Изоҳ: Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, собиқ аъзоларнинг вазифалари ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар зиммасига юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари
жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 20 нафар, шу жумладан 14 нафар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош мутахассислар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ–5052-сон Фармониға мувофиқ ҳақ тўланадиган жамоат ишларини (кейинги ўринларда Жамоат иши деб аталади) ташкил қилиш турлари ва тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жамоат ишлари — ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли учун умумжалб этиш мумкин бўлган, алоҳида тайёргарлик ва малака талаб қилмайдиган, ҳақ тўланадиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари;

буюртмачи — иш берувчи — мазкур Низомға мувофиқ жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича ташаббускор (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар);

жамоат ишларини бажарувчи шахс — белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган, шунингдек иш изловчи шахс сифатида рўйхатга олинган ва жамоат ишларида қатнашиш учун жалб қилинган фуқаро.

3. Жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:

банд бўлмаган шахсларни вақтинчалик маош (меҳнат даромади) билан таъминлаш ва уларни иш қидириш даврида моддий қўллаб-қувватлаш;

ишсиз шахсларнинг вақтинчалик бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш;

касбга (мутахассисликка) эга бўлмаган илк бор иш изловчи шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш;

турли сабабларга кўра (илгари бола тарбияси, бемор ва кекса оила аъзоларини парваришлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва бошқа сабабларга кўра) узоқ танаффусдан сўнг касбий фаолият билан шуғулланмаган шахслар меҳнатини реабилитация қилиш;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш.

4. Жамоат ишларининг таклиф қилинаётган турлари жамоат ишларига юборилаётган шахсларнинг касбий маҳоратини, иш тажрибасини, ёшини, жинсини ва бошқа хусусиятларини, иш вақти ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитларни ҳисобга олиши керак.

5. Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда АБКМ деб аталади) жамоат ишларига юбориладиган фуқароларнинг касби, ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жамоат ишларининг жойларини, шунингдек жамоат ишларида иштирок этиш шартларини белгилайди.

Буюртмачи — иш берувчи АБКМ билан биргаликда жамоат ишлари турлари ва ҳажмини белгилайди.

Ишсиз ва банд бўлмаган шахслар томонидан жамоат ишларида иштирок этиш ишнинг хавфлилиги, зарарлилиги ва меҳнат шароитларининг оғирлиги сабабли рад этилса, уларга жамоат ишларининг бошқа турлари таклиф қилинади.

6. Ишсиз шахсларга ишсизлик нафақасини тўлаш жамоат ишларида қатнашаётган даврларида тўхтатилади ва жамоат ишлари тугаган кундан бошлаб тикланади.

7. Бюджет ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил қилинган жамоат ишларида АБКМ йўлланмаси асосида жамоат ишларида иштирок этиш учун юборилган фуқароларнинг ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ортик бўлмаган миқдорда белгиланиши мумкин, иш ҳақи бўйича тўловлар 100 фоиз миқдорида кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ҳисобидан қопланади.

8. Тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари буюртмалари асосида ташкил қилинган жамоат ишларида АБКМ йўлланмаси асосида жамоат ишларида иштирок этиш учун юборилган фуқароларга иш ҳақи бўйича тўловларнинг 50 фоизи кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма ҳисобидан қопланади.

Бунда жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларнинг Жамғарма томонидан қопланадиган қисми энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим баробаридан ошмаслиги керак.

2-боб. Жамоат ишларининг турлари

9. Жамоат ишлари турларига қуйидагилар киради:

шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш (кўкаламзорлаштириш, тозалаш, оқлаш, маданий объектлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ва ариқларни тозалаш кабилар);

уй-жой коммунал ва бошқа инфратузилма объектларини таъмирлаш;

кўчалар, йўллар ва пиёдалар юриш йўлакларини таъмирлаш;

мавсумий қишлоқ хўжалик ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш;

ногиронлар, кексалар, беморлар ва бошқаларни парваришлаш;

саноат тармоқлари ва хизматлар кўрсатиш соҳаси ташкилотларидаги ишлар;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда жамоат ишларининг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3-боб. Жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби

10. Буюртмачи — иш берувчилар ҳар ойнинг 15-санасига қадар келгуси ҳисобот оyi учун жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмалар рўйхатига киритиш учун туман (шаҳар) АБКМга жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртма беради.

Жамоат ишларини ташкил қилиш ва уларни Жамғарма ҳисобидан молиялаштириш мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

11. АБКМ ҳар ойнинг 20-санасига қадар буюртмачи — иш берувчилардан келгуси ойда жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмаларни қабул қилади ва мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ҳар ойнинг 25-санасига қадар йиғма буюртмани шакллантиради ва тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига киритади.

12. Туман (шаҳар) ҳокими томонидан йиғма буюртма тасдиқлангандан сўнг АБКМ томонидан ҳисобот ойининг 1-санасига қадар маблағ ажратиш учун Жамғармага тақдим этилади.

13. Жамоат ишларини ташкил қилиш мақсадида АБКМ буюртмачи — иш берувчилар буюртмаларига мувофиқ ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда ишсиз ва иш изловчи шахслар рўйхатини шакллантиради. Жамғарма томонидан ҳисобот ойининг 5-санасига қадар йиғма буюртмага мувофиқ АБКМнинг фазначилик ҳисоб рақамига маблағларнинг ўтказилишини таъминлайди.

14. Бир вақтнинг ўзида ҳисобот ойининг 1-санасига қадар АБКМ буюртмачи-иш берувчи билан жамоат ишларида қатнашадиган фуқаролар рўйхатини илова қилган ҳолда жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича шартнома тузади.

15. Жамоат ишларини ташкил қилиш учун шартномалар молия йили учун 2 ҳафтадан кам бўлмаган, лекин 3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Шартнома муддати тугагандан сўнг буюртмачи — иш берувчи жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича АБКМга қайта буюртма бериши мумкин.

16. Шартномалар АБКМнинг жамоат ишларини ташкил қилиш учун харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги бўлинмалари томонидан рўйхатга олинади.

17. Йиғма буюртмадаги жамоат ишларининг хусусияти ва амалга ошириладиган жойидан келиб чиққан ҳолда ушбу ишларга фуқаролар ўз розилиги асосида тақсимланади.

18. Жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича кўзда тутилмаган эҳтиёж туғилганда, буюртмачи бюджет ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари бўлган ҳолда, буюртмачилари туман (шаҳар) ҳокимлиги жамоат ишлари ҳажмини қайта тақсимлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

19. АБКМ буюртмачи — иш берувчи билан тузилган шартномага мувофиқ жамоат ишлари бошланишидан 5 кун олдин фуқароларга 2-иловага мувофиқ шаклда иш билан банд бўлмаган шахсга жамоат ишларида қатнашиш учун йўлланма беради.

20. Жамоат ишларида қатнашувчи ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар рўйхатларини шакллантиришда, буюртмачи бюджет ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи бўлганда, мазкур ҳудудда яшовчи банд бўлмаган фуқаролар қамраб олиниши лозим.

21. Жамоат ишларини ташкил этиш даврида буюртмачи — иш берувчи қонунчиликка мувофиқ меҳнат муҳофазаси талабларига мос шароитларни таъминлайди.

22. АБКМ томонидан ҳар ҳафтада камида бир марта жамоат ишлари ташкил қилинишининг ҳолати мониторинг қилиб борилади ва тегишли мониторинг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жамоат ишлари дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича бош мутахассислари ҳар ойда, шу жумладан жойига борган ҳолда жамоат ишларининг ташкил қилиниши, амалга оширилиши ва ҳақ тўланишини назорат қилади.

23. Мониторинг жараёнида шартнома шартлари бузилганлиги ҳолати аниқланганда, аниқланган қонунбузилиши ҳолати бўйича тегишли АБКМ ходими томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриш учун АБКМга тақдим этилади.

24. Буюртмачи — иш берувчи ҳар ойнинг 15-санасига қадар ҳисобот ойнанинг биринчи ярми учун АБКМга фуқароларнинг жамоат ишларида қатнашган даври бўйича ҳисобга олиш табелини тақдим этади.

25. АБКМ буюртмачи — иш берувчи томонидан ҳисобот ойнанинг 15-санасига қадар тақдим этилган табелга асосан Жамғарма томонидан қопланадиган тўловларнинг 50 фоиз қисмини аванс сифатида тўлайди.

Жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича тўловлар АБКМ томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги бўлинмаларига мемориал ордер ёки тўлов топшириқномалари тақдим этиш орқали амалга оширилади.

26. Буюртмачи — иш берувчи ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 1-санасига қадар АБКМга ўтган ой учун жамоат ишларида қатнашган фуқароларни амалда қатнашган кунлари бўйича тасдиқланган ҳисобга олиш табелини ва иш ҳақи ҳисобланганлиги бўйича қайдномани тақдим этади.

27. АБКМ томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар (табель, қайднома) олингандан сўнг, ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 5-санасига қадар ўтган ой учун тўланган аванс суммасини чегириб ташлаган ҳолда жамоат ишларида қатнашган фуқароларнинг иш ҳақларининг қопланадиган қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги бўлинмаларига мемориал ор-

дер ёки тўлов топшириқномаси ва бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатномани илова қилган ҳолда юборади.

28. Буюртмачи — иш берувчилар ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилган жамоат ишлари тўғрисидаги маълумотни, шунингдек буюртмачи — иш берувчиларнинг биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган бажарилган ишлар бўйича далолатномалар нусхасини ҳар ойда АБКМга тақдим этадилар.

29. Агар бажарилган ишлар далолатномаларига асосан иш берувчига қоплаб берилган тўлов ҳақиқатда бажарилган ишларнинг ҳажмидан ошса ҳамда мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ Жамғарма маблағлари ҳисобидан жамоат ишларининг буюртмачиси тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлса, ошган миқдор тўлиқлигича АБКМ ҳисоб рақамига қайтарилади.

30. АБКМ фуқароларни жамоат ишларини бажариш учун юборган тақдирда уларга меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тўғрисида маълумот беради.

31. Жамоат ишларида катнашадиган фуқаролар билан иш берувчи мазкур Низом талабларига мувофиқ меҳнат шартномаси тузади.

Жамоат ишларини бажариш бўйича шартнома муносабатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади. Ихтиёрийлик асосида бригадаларга бирлашган фуқаролар томонидан жамоат ишларининг комплексини ёки алоҳида турларини амалга оширишда шартномада томонларнинг мажбуриятлари, ишнинг ҳажми ва бажариш муддатлари, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш шакллари назарда тутилади.

32. Жамоат ишларини бажараётган фуқароларга корхоналарда амалга бўлган ставкалар ва лавозим маошлари (ишбай нархлар)дан келиб чиққан ҳолда, аммо иш ҳақи тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасининг биринчи разрядидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Жамоат ишларида иш ҳақидан ташқари меҳнат учун қўшимча мукофотлар миқдори иш берувчилар маблағлари ҳисобидан белгиланиши мумкин.

33. Агар ишсизни ёки банд бўлмаган шахсни жамоат иши қаноатлантирса, унда у буюртмачи — иш берувчи билан келишган ҳолда бундай ишни доимий асосда бажаришга розилик бериши мумкин, АБКМ эса, унга бу доимий мос келадиган иш деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолларда ушбу шахс билан илгари тузилган меҳнат шартномаси янги меҳнат шароитлари кўрсатилган ҳолда қайта тузилиши керак.

34. Жамоат ишларини ташкил қилишда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш, бажарилган ишлар бўйича далолатномани тўғри расмийлаштириш, фуқароларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш бундай ишларни бажариш учун меҳнат шартномасини тузган буюртмачи — иш берувчи зиммасига юкланади.

Хавфли, зарарли ва оғир меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган жамоат ишига юборилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтишлари керак.

35. Фуқароларнинг жамоат ишларида қатнашган даври тўғрисида буюртмачи — иш берувчилар томонидан уларнинг меҳнат дафтарчаларига тегишли ёзув киритилади.

Жамоат ишларида қатнашган давр меҳнат стажига қўшилади. Жамоат ишларида қатнашган фуқароларда пенсия таъминоти ва вақтинча ишга яроқсизлиги бўйича нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Шахснинг жамоат ишларида қатнашган даври учун суғурта бадаллари буюртмачи — иш берувчилар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

36. Жамоат ишларини бажараётган фуқаролар иш вақтининг давомийлиги меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Буюртмачи — иш берувчилар иш куни ва иш вақтининг ўзгарувчан шаклларида фойдаланиш, шунингдек меҳнат унумдорлигига кўра ёки ишлаган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда жамоат ишларининг қисқартирилган иш вақтини кириштишга ҳақлидир.

37. АБКМ томонидан жамоат ишларига юборилган ва уларда банд бўлган фуқароларнинг ҳисоби қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. АБКМ томонидан буюртмачи — иш берувчиларга Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилинган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар жамоат ишларини ташкил қилиш учун ижарага берилиши амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

39. Жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича фаолият билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган баҳслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беришади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Жамоат ишларини ташкил қилиш ва уларни
Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Буюртмачи — иш берувчи	жамоат ишлари рўйхатини шакллантиради ва уни туман (шаҳар) АБКМга тақдим этади	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар
2-босқич	АБКМ	буюртмачи — иш берувчилардан жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмани қабул қилади	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар
3-босқич	АБКМ	мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида йиғма буюртмани шакллантиради ва тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига киритади	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар
4-босқич	АБКМ	йиғма буюртма тасдиқлангандан сўнг уни АБКМ томонидан маблағ ажратиш учун Жамғармага тақдим қилади	ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
5-босқич	АБКМ	ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда ишсиз ва иш изловчи шахслар рўйхатини шакллантиради	ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
6-босқич	Жамоат ишлари жамғармаси	йиғма буюртмага асосан АБКМнинг газначилик ҳисоб рақамига маблағларни ўтказиши	ҳисобот ойининг 5-санасига қадар
7-босқич	АБКМ	АБКМ ва буюртмачи — иш берувчи ўртасида жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади	ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
8-босқич	АБКМ	банд бўлмаган шахсларга жамоат ишларига йўлланма беради	жамоат ишлари бошланишидан 5 кун олдин
9-босқич	АБКМ	жамоат ишлари ташкил қилиниши ҳолатини мониторинг қилади	ҳар ҳафтада камида бир марта
10-босқич	Буюртмачи-иш берувчи	АБКМга ишлаган вақти учун жамоат ишларида қатнашган фуқароларни амалда қатнашган кунлари бўйича тасдиқланган табель ва иш ҳақи ҳисобланганлиги бўйича қайдномани тақдим этади	ҳар ойнинг 15 ва 30-санасига қадар
11-босқич	АБКМ	буюртмачи — иш берувчига жамоат ишларида қатнашган фуқароларнинг иш ҳақи бўйича тўловларни қоплайди	ҳар ойнинг 15 ва 30-санасига қадар

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

НАМУНА

**Жамоат ишларига
ЙЎЛЛАНМА**

_____ (корхона, ташкилот, муассасанинг номи ва манзили)

Фуқаро _____
(Ф.И.О.)

_____ ҳақ тўланадиган жамоат ишларига _____ муддатга юборилмоқда.
(касб, мутахассислик кўрсатилади)

Қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда бизга хабар беришингиз сўралади.

АБКМ директори _____
(имзо)

М.Ў.

20__ йил «__» _____.

**Қабул қилинган қарор бўйича
ЖАВОБ**

Фуқаро _____ ҳақ тўланадиган жамоат ишларига
(Ф.И.О.)
қуйидаги муддатга ишга қабул қилинди _____
(касб, мутахассислик)

20__ йил «__» _____ даги _____ -сон буйруқ.

Раҳбар _____
М.Ў. (имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари
жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва
улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ–5052-сон Фармони талабларига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари шакллантирилиши ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Жамғарма белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган, Аҳоли бандликка кўмаклашиш марказларида (кейинги ўринларда АБКМ) деб аталади) иш изловчи сифатида (кейинги ўринларда банд бўлмаган шахслар деб аталади) рўйхатдан ўтган, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилган фуқаролар иштирокини молиялаштириш учун ташкил этилган.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, фазначилик ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, тамға ва бланкаларга эга.

4. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида очиладиган фазначилик ҳисоб рақамида жамланади.

5. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисобланади:

шаҳар ва туман ҳокимликлари, АБКМ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа иш берувчи ташкилотлар билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини кенг жалб этган ҳолда жамоат ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, АБКМлар билан биргаликда жамоат ишлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

жамоат ишларига жалб этилган, Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш, банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларидаги иштирокининг ҳисобини ва мониторингини юритиш;

жамоат ишларини ташкил этишга ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, жамоат ишларининг бандлик ва ишсизлар бозори динамикасига таъсири тахлилини амалга ошириш;

иш берувчи буюртмачилар ва жамоат ишлари иштирокчилари реестрини ўз ичига олган жамоат ишларининг электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

6. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади: жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг, ҳомийлик жамғармаларининг ва бошқа хорижий донорларнинг ихтиёрий ёрдамлари;

асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар ижарасидан даромадлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан даромадлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари.

7. Жамоат ишларини молиялаштиришга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан бюджет ажратмаларининг ҳажми ҳар йили аниқлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларида тасдиқланади.

8. Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг, хайрия жамғармаларининг, жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ихтиёрий эҳсонлари қонунчиликда белгиланган тартибда Жамғарманинг вазначиликдаги ҳисоб рақамига келиб тушади, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар ёки хорижий грантлар бериш шартларида бошқача тартиб назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

9. Жамғарма маблағларидан қуйидагиларни молиялаштиришда фойдаланилади:

жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақиға тўловлар;

жамоат ишларида, жумладан уларни ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилиш;

жамоат ишларини бажариш учун хавфсизлик техникаси маблағлари ва махсус кийим харид қилиш;

Жамғармани сақлаб туришга, жумладан, ходимлар меҳнат ҳақи, бино

ва иншоотларни, алоқа ва ахборот компьютер технологиялари воситаларини сақлаб туриш, хўжалик ва бошқа харажатлар тўлови;

жамоат ишларини амалга оширишни ташкил этиш масалалари бўйича ахборот материалларини, кўргазмаларни ахборотларни тайёрлаш, маълумотларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш.

Жамғарма ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш шартларига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

10. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида рўйхатга олинган, ҳудудлар бўйича ойма-ой таснифланган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

11. Жамғарманинг жорий йилда ишлатилмаган маблағлар қолдиқлари кейинги молия йилига ўтказилади ва кейинги йилга маблағлар ажратилаётганда инобатга олинади.

4-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва маблағларини бошқариш

12. Жамоат ишлари Жамғармасининг Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда Жамғарма Кенгаши деб аталади) Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Жамғарма Кенгаши:

ҳар йили Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини, Жамғарма даромадлари ва харажатлари баланси прогноз кўрсаткичларини, шунингдек жамоат ишларининг республика дастури кўрсаткичларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

жамоат ишларига ажратиладиган маблағлар ҳажмларининг фоизли нисбатини тасдиқлайди;

Жамғарма маблағлари даромадлари ва харажатлари сметасини, зарур ҳолларда, тасдиқланган сметаларга киритиладиган тегишли ўзгартиришларни тасдиқлайди, Жамғарма даромадларининг шаклланишини ва маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш бўйича унинг фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма фаолияти ҳақида ҳисоботларни даврий равишда эшитиб боради ва тасдиқлайди, жамоат ишларини ташкил этиш ва жамоат ишлари дастурларининг бажарилиши юзасидан вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳисоботларини эшитиб боради;

Жамғарма фаолиятини такомиллаштириш, жамоат ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш механизмларини яхшилаш, жамоат ишларини амалга ошириш ва уларни молиялаштириш юзасидан мониторинг ва назоратнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорлари асосида алоҳида ҳолатларда ва давлат аҳамиятига молик бошқа ҳолатларда, жамоат

ишларининг тасдиқланган дастурига киритилмаган ва иш берувчилардан буюртмага эга бўлмаган жамоат ишларини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилади;

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Жамғарма Кенгаши қарори очиқ овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

13. Жамғарма маблағларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) томонидан амалга оширилади.

14. Дирекция:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жамоат ишларининг республика дастурини ҳудудлар бўйича шакллантиради, унинг бажарилиши таҳлили ва мониторингини амалга оширади;

Жамғарма Кенгашига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этиш учун Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогнозини, унинг бажарилиши тўғрисида чораклар бўйича ва ойма-ой тақсимланган йиллик ҳисоботни тайёрлайди, Жамғарма Кенгашига ва вазирлик раҳбариятига Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг ойма-ой ёйилмасини тасдиқлаш учун киритади;

шаҳар ва туман АБКМлари билан биргаликда иш берувчилар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан жамоат ишларини ташкил этиш учун ариза қабул қилишни амалга оширади;

мазкур Низомда белгиланган тартибда жамоат ишларини молиялаштиришни таъминлайди;

Меҳнат давлат ҳуқуқ инспекцияси билан биргаликда жамоат ишларида иштирок этаётган ишчиларнинг меҳнат қонунчилигида белгиланган кафолатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

жамоат ишларини ташкил этиш масалалари бўйича даъво ишлари олиб борилишини амалга оширади;

жамоат ишларини ташкил этиш масалалари бўйича аҳолини ва иш берувчиларни ахборот билан таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширади;

фуқароларнинг жамоат ишларидаги иштироки ҳисобини юритиш бўйича ахборот-компьютер тизимларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

жамоат ишларини амалга ошириш учун иш берувчи — буюртмачилар аризалари шакли ва мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Дирекция Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларига, шунингдек Жамғарма Кенгаши қарорлари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15. Дирекция ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

солиқ идораларидан жамоат ишларини бажарган фуқаролар учун иш берувчилар томонидан ойлик иш ҳақи ҳисобланиши тўғрисида маълумотларни сўраш ва олиш;

жамоат ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш, унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича услубий хужжатлар ишлаб чиқиш.

16. Дирекцияни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Жамғарма Васийлик кенгаши раиси билан келишган ҳолда тайинландиган ва озод этиладиган ижрочи директор бошқаради.

17. Ижрочи директор:

Жамғарма фаолияти юзасидан умумий раҳбарликни амалга оширади;

Жамғармага ходимларни қабул қилади ва меҳнат шартномаларини тугатади, уларнинг лавозим мажбуриятларини ва ваколатларини тақсимлайди; ваколатлари доирасида юридик шахслар билан шартномалар тузади;

Жамғарма пул маблағлари ва моддий бойликларининг бухгалтерия ҳисоби юритилишини, молиявий ва статистик ҳисоботларнинг белгиланган тартибда тайёрланиши ва тақдим этилишини ташкил этади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ва ваколатларни амалга оширади.

18. Дирекция Жамғарма Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳисобот беради.

19. Жамғарма Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Дирекциянинг штат жадвалига кирадиган вакилларга эга.

5-боб. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

20. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг кейинги йил учун лойиҳаси, шунингдек республика ҳудудларини комплекс ривожлантириш дастури билан биргаликда амалга оширилади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ҳар йили 1 июнга қадар ишларнинг турлари ва ҳажмини, шунингдек, асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар харид қилиш бўйича харажатларни кўрсатган ҳолда жамоат ишларининг ҳудудий лойиҳаларини шакллантиради ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари иш берувчиларнинг қўшимча аризалари асосида ҳудудий жамоат ишлари дастурларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

22. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар йили 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўланадиган кейинги йилда амалга ошириладиган жамоат ишларига аризаларни, шунингдек Мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган манбалардан Жамғармага маблағлар тушуми прогнозини шакллантиради ва

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг кейинги йилдаги лойиҳасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборди.

23. Дирекция ҳар йили 1 декабрга қадар:

жамоат ишларининг якуний кўрсаткичларини Жамғармага келгуси йил тушадиган маблағлар доирасида келишади;

худудий дастурларга киритилган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш ҳажмларини аниқлаштирган ҳолда жамоат ишларининг худудий дастурлари лойиҳасини Жамғарма Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади. Заруратга кўра, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг қийматига Жамғарма Кенгаши қарорига кўра аниқлик киритилиши мумкин.

24. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети кўрсаткичлари тасдиқлангандан сўнг, жамоат ишларининг худудий дастурларини Жамғарма Кенгаши тасдиқлагандан кейин, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланади.

25. Дирекция кейинги йилга белгиланган молиялаштириш ҳажмларини 5 кун мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига етказди.

6-боб. Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланиш ҳисоби, ҳисоботи ва назорати

26. Жамғарма маблағлари шаклланиши ва келиб тушиши ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш Дирекция томонидан, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Жамғарма фаолияти бўйича барча маълумотлар, жумладан, иш берувчилар ва ишчилар (СТИР кўрсатилган ҳолда) ҳисоби реестри, буюртмачи — иш берувчилар ва ишчилар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари тўғрисида маълумотлар, пул ўтказмалари ва тўловлари, шунингдек бошқа операциялар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, Дирекция томонидан шакллантириладиган «Жамоат ишлари» автоматлаштирилган ахборот тизимларининг электрон маълумотлар базасида акс эттирилади.

28. Дирекция ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Жамғарманинг жамоат ишларини ташкил этишга ажратилган маблағлари шаклланиши ва ишлатилиши тўғрисида, шунингдек жамоат ишлари худудий дастурларининг бажарилиши кўрсаткичлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклларга кўра (электрон ва қоғоз шаклларда) ҳисобот бериб боради.

29. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Жамғарма Кенгашига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Молия вазирлигига Жамғарманинг жамоат ишларини ташкил этишга ажратил-

ган маблағлари шаклланиши ва ишлатилиши тўғрисида, шунингдек жамоат ишлари худудий дастурларининг бажарилиши кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот бериб боради.

30. Буюртмачи — иш берувчилар томонидан жамоат ишлари иштирокчиларига Жамғармадан ажратилган маблағлар қисми ҳисобидан иш ҳақининг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш юзасидан назорат Дирекция томонидан амалга оширилади.

31. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан жавобгарлик иш берувчи — буюртмачи ва Дирекцияга юкланади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

32. Жамғарма фаолияти, шунингдек Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши доирасида вужудга келадиган баҳслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

33. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

34. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги
Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига банд
бўлмаган аҳолини босқичма-босқич жалб этиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Худудлар	2017 йилнинг октябрь ойидан бошлаб тажриба тариқасида банд бўлмаган аҳолини жалб қилган ҳолда жамоат ишлари ташкил қилинадиган туманлар (шаҳарлар)	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Хўжайли тумани	2018 йилнинг 1 январидан бошлаб худудларнинг қолган барча шаҳар ва туманларида банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш кўзда тутилмоқда
2.	Андижон вилояти	Шаҳрихон тумани	
3.	Бухоро вилояти	Бухоро тумани	
4.	Жиззах вилояти	Шароф Рашидов тумани	
5.	Қашқадарё вилояти	Шаҳрисабз тумани	
6.	Навоий вилояти	Кармана тумани	
7.	Наманган вилояти	Наманган тумани	
8.	Самарқанд вилояти	Пасдаргом тумани	
9.	Сурхондарё вилояти	Денов тумани	
10.	Сирдарё вилояти	Сирдарё тумани	
11.	Тошкент вилояти	Бекобод шаҳри	
		Паркент тумани	
12.	Фарғона вилояти	Қува тумани	
13.	Хоразм вилояти	Хива тумани	
14.	Тошкент шаҳри	Сергели тумани	

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**1060 Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3240-сон «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2010 йил 22 декабрдаги 19, 201 ва 106-сон қарори (рўйхат рақами 2168, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 29 сентябрь
9-сон

Р. ДАВЛЕТОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 4 октябрда эълон қилинган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири****А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 29 сентябрь
27-ққ-сон

Молия вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 29 сентябрь
143-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ва Молия
вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги
9, 27-ққ ва 143-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Судлар ва адлия органларини» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Судлар ва адлия органларини» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Судлар ва адлия органларини» деган сўзлар «Бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 20-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда ягона ижтимоий тўлов тушумларнинг қолган 60 фоизи ҳисобидан амалга оширилади.».

4. 21¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21¹. Ходимнинг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилганда (ушбу интизомий жазонинг амал қилиш муддатига) ўрнатилмайди.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 30 сентябрдан 6 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги 9, 27-ққ, 143-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-3 (2017 йил 4 октябрдан кучга кирди).

